

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

TARIX VA MADANIY MEROS FAKULTETI

TARIX KAFEDRASI

Fakultet dekani:

Ochilov O'.S.

Kafedra mudiri:

Rahmonov K.J.

BITIRUV MALAKAVIY ISH

Mavzu: O'rta Osiyoda Dulu va Nishubi qabilalari ittifoqining raqobati.

**5120300- Tarix (jahon mamlakatlari bo'yicha) bakalavr darajasini
olish uchun**

**Tarix ta'lim yo'nalishi
bitiruvchisi: Abdullayeva
Saodat Nurillo qizi**

**Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi
M.Z.Orziyev**

Buxoro - 2018

Мундарижа:

Кириш

I Боб. Дулу нишуби қабилалари ҳақида дастлабки маълумотлар.

I.1. Тарихий адабиётларда дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар.

I.2. Дулу Нушиби қабила иттифоқларининг Турк хоқонлигидаги ўрни

II Боб. Хоқонликда етакчилик қилиш учун курашлар.

II.1. Суғда Нушиби етакчилик даври

II.2. Дулу ва нушиби қабилаларининг тарихий тақдири

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай миллатнинг шаклланишида кўпдан-кўп уруғ-қабилалар, қабила иттифоқлари иштирок этадилар. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи ҳам уч минг йиллик тарихи давомида унинг этногенезидан ҳам кўплаб уруғ-қабилалар, элатлар фаол иштирок этди. Этник тарихимизнинг камроқ тадқиқ этилган илк ўрта асрлар даврида мавжуд бўлган Дулу ва Нушиби қабилалари иттифоқи, уларнинг Ўрта Осиё, хусусан Суғдиёна ҳудудида етакчилик қилиш учун ўзаро курашлари, ушбу қабила иттифоқларининг секин-аста ватқ ўтиши билан бошқа халқлар таркибга сингиб кетиши жараёнларига бағишланган битирув малакавий ишимиз ўзбек халқи этногенезига оид муҳим ва долзарб муаммонинг иккинчи босқичининг айрим масалаларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Зеро, биринчи Президентимиз И.А. Каримов “...Тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу - табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат бита миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир¹”-деган эдилар. Ана шу нуқтаи-назардан олиб қараганда биз танлаган “Ўрта Осиёда Дулу ва Нушиби қабилалари рақобати” мавзусидаги битирув малакавий иш муҳим ва ўрганилши долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Икинчи бир томондан ёшлар онгида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор каби туйғуларни шакллантиришда тарихимизнинг ўрни ва роли беқиёс. Айниқса, унинг келиб чиқиши, этник шалланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўрганиш ҳар бир миллат ёшларини нафақат қизиқтирадиган, балки халқининг ўтмиши билан фахр, ифтихор туйғусини уйғонишига хизмат қилади. Бу эса ўша миллатнинг тарих синовларидан ўтиши, яшаб қолишининг гарови бўлиб ҳисобланади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Том VII. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 138.

ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади. Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди²”- деган жумлалари орқали юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни асослаб берганлар.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, биз танлаган битирув малакавий иши ўзига хос долзарб ва бугунги кунда ўрганилиши лозим бўлган мавзулардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Биз танлаган “Ўрта Осиёда Дулу ва Нушиби қабилалари рақобати” мавзусидаги битирув малакавий ишни мазмунан ёритишда мавзунинг ўрганилганлик даражасини ўрганиш жараёнида фойдаланилган адабиётларни шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим деб топдик. Биринчи гуруҳ адабиётларига, ўша даврга оид тарихий жараёнлар ҳақида маълумот берувчи манбалар ва уларнинг таҳлилига бағишланган асарларни келтириб ўтишни лозим деб ҳисобладик. Албатта, ушбу гуҳдаги манбаларни асл нусхалари эмас, балки ўзбек ва рус тилидаги таржима вариантларидан фойдаланиб, мавзунинг ёритишга имкон қадар ҳаракат қилдик. Бу адабиётлар гуруҳига Наршахий, Н.Я. Бичурин, Абулқоси Фирдавсий, Муҳаммад Ҳайдар мирзо, Сюань-цзан, Маҳмуд Қошғарий³ ва бошқаларнинг асарларини киритишни лозим деб ҳисобладик.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ/Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистан” НМИУ, 2016. – Б. 5.

³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа’фар ан-Наршахи. Та’рих-и Бухара. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археологи-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. – Т.: SMI-ASIA, 2011. – 600 с., Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Бухоро тарихи / форс – тожик тилидан таржима А. Расулевники, масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т.: Фан. 1966. – 156 б., Бичурин Н.Я. История Тибета и Кукунора с 2282 года до Р.Х. до 1227 года по Р.Х. Часть – 1. – Санкт-Петербург, 1833. – 238 с., Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о нардах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-I. –Москва-Ленинград, 1950. – 378 с., Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о нардах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-II. –Москва-Ленинград, 1950. – 332 с., Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий/ таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янгилиш Егамова, Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов// Т.: "Шарқ",2010. –720б+32 зарв., Фирдавсий Абулқосим. Шохнома:

Танланган мавзуни мазмунан ёритишга қаратилган адабиётларнинг иккинчи гуруҳига асосан собиқ шўролар даврида чоп этилган олимларнинг асарларини киритдик. Аммо, ушбу асарларнинг кўпчилиги собиқ шўролар даврида яратилганлиги ва уларда синфийлик ва коммунистик мафкуранинг кучли таъсири мавжудлиги боис уларга имкон қадар танқидий нуқтаи-назардан ёндашишга ҳаракат қилдик. Бу гуруҳдаги адабиётларга асосан В.В. Бартольд, А.Н. Бернштам, Г.Е. Грумм-Гржимайло, Н.В. Кюнер, С.Г. Кляшторний, С.Е. Малов, А.Г. Малявкин, О.И. Смирнова⁴ ва бошқаларнинг асарларини келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Танланган битирув малакавий ишимизни мазмунан ёритишга хизмат қиладиган учинчи гуруҳ адабиётларига биз Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, миллий истиқлол мафкураси ва тарихга бўлган ҳолисона ёндашув асосида яратилган асарларни киритишни лозим деб ҳисобладик. Ушбу гуруҳга қирадиган асарларга асосан К.Шониёзов, А.Аширов, Л.Н. Гумилёв, А.Отахўжаев, С.Абдуллаева⁵ ва бошқаларнинг асарларини киритиб ўтишни лозим деб ҳисобладик.

дастон/Абулкосим Фирдавсий; форсийдан Ш. Шомухаммедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 736 б., Қошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғатит турк)/С.М. Муталлибов таржимаси. Уч томлик. Том I. – Т.: Ўзфанакаднатр, 1963. – 498 б., Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) / Сюань-цзан ; введ., пер. и коммент. Н.В. Александровой; Ин-т востоковедения РАН. - М.: Вост. лит., 2012. - 463. с.: ил.

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, - Сочинения, Т. I. М.: Наука 1963. – 759 с., Бернштам А.Н. Очерки истории Гунов. – Ленинград.: Издательство Ленинградского университета, 1951. – 256 с., Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. II Том. - Ленинград. 1926. – 896 с., Дальний Восток и соседние территории в средние века. - Новосибирск: Наука, 1980. – 152 с., Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Издательство Восточной литературы, 1961. – 390., Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – 215 с., Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности: Тексты и исследования. – М- Л., 1951. – 368 с., Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: (Тексты и исследования). – Новосибирск: Наука, 1989. – 432 с., Малявкин А.Г. Марионетки из рода Ашина //Восточный Туркестан и Средняя Азия. - М.: Наука, 1984. - С. 135 - 155., Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. – 336 с., Очерки истории Китая с древности до “опиумных войн” (под ред. Шан Юэ. Пер. с китайского под ред. Л. И. Думана и А. М. Филиппова. – МЮ: Изд. Вост. лит., 1959. – 210 с., Смирнова О. И. “Очерки из истории Согда” М. : “Наука” 1970. – 288 с.

⁵ Ashirov A. Etnologiya: o‘quv qo‘llanma /A. Ashirov; mas‘ul muharrirlar: U. Abdullayev, G. Fuzailova; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti. – Toshkent: «Yangi nashr», 2014. – 544 б., Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни/Тахрир хайъати Д.А. Алимова, Э.Х. Арифханова, У.С. Абдуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 б., Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. - 498 б., Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. **Монография.** – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010.

Мавзунининг мақсад ва вазифалари. Биз танлаган “Ўрта Осиёда Дулу ва Нушиби қабилалари рақобати” мавзусидаги битирув малакавий ишни мазмунан ёритишда Дулу нишуби қабилалари ҳақида дастлабки маълумотлар, тарихий адабиётларда дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар таснифи, Дулу Нушиби қабила иттифоқларининг Турк ҳоқонлигида тутган ўрни, ҳоқонликда етакчилик қилиш учун курашлар, Суғдда Нушиби иттифоқининг етакчилик даври, Дулу ва нушиби қабилаларининг тарихий тақдири қаби масалаларни ёритишни мақсад қилиб белгилаб олдик. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб,

- Дулу нишуби қабила иттифоқлари ҳақида дастлабки маълумотлар, уларнинг шаклланиши, яшаган ҳудудлари, иттифоқнинг таркибига кирувчи қабилалар, уларнинг тарихий адабиётларда сақланиб қолинган номларига умумий тавсиф бериш;

- Дулу ва Нушиби қабила иттифоқларининг Турк ҳоқонлигидаги ўрни, Турк ҳоқонлигининг асосий зарбдор кучи эканлиги, Кавказ, Каспийбўйи, Жанубий Сибир қабилаларига нисбатан ушбу иттифоқнинг мавқеи баландлиги, Ғарбий турк ҳоқонлигидаги сиёсий жараёнларда уларнинг иштироки масалаларини очиқ бериш;

- Ғарбий Турк ҳоқонлигининг энг бой ҳудуди бўлган Суғдиёна ва ушбу минтақада ҳукумронлик қилиш учун дулу ва нушиби иттифоқлари ўртасидаги сиёсий курашлар, Суғдда Нушиби иттифоқининг етакчилик даври, икки қабила иттифоқининг етакчилик учун ўзаро курашлари билан боғлиқ воқеаликларни тарихий адабиётлардаги маълумотлар орқали қиёсий таҳлил қилиш;

- Дулу ва Нушиби қабилаларининг тарихий тақдири, ўзаро курашлар натижасида ғарбий турк ҳоқонлиги парчалангандан кейин ушбу қабила иттифоқларининг тақдири, Марказий Осиё минтақасига ушбу иттифоқларга кирувчи қабилаларнинг тарқалиб кетиши ва бошқа халқларга сингиб кетиши, ушбу қабила вакилларининг IX-X асрларда сўнгги бор тарихий адабиётларда

тилга олиниши, турли халқларнинг этногенезида иштироки масалаларига оид илмий хулосаларга келиш.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Биз танлаган “Ўрта Осиёда Дулу ва Нушиби қабилалари рақобати” мавзусидаги битирув малакавий иш кириш, икки боб, тўрт банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳолда ёзилган. Битирув малакавий иш юзасидан 2 та тезис эълон қилинган.

I Боб. Дулу нишуби қабилалари ҳақида дастлабки маълумотлар.

I.1. Тарихий адабиётларда дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар.

Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихида муҳим ўрин тутган, дулу ва нушиби қабилалари илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари тарихида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта таъсир кўрсатган. Кейинги тарихий даврларда эса, турли халқлар таркибига сингиб кетганлар. Биз кўриб чиқаётган тарихий давр асосан Турк ҳоқонлиги даври ва бу даврда ушбу қабилалар тарихига оид маълумотлар таҳлили бўлиб, Ғарбий Турк ҳоқонлиги қулагач, дулу ва нушиби қабилалари ҳам тарих сахнасидан чиқиб кета бошлаганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, кейинги давр тарихий адабиётларда ушбу халқлар билан боғлиқ маълумотлар аста-секин йўқолиб борган. Дулу ва Нишуби қабилалари Турк ҳоқонлиги таркибига кирувчи қабила иттифоқлари бўлиб, ҳали ҳоқонлик бўлинмаган даврларда улар тардуш гуруҳига кирганлар ⁶. Дулу ва Нишуби қабилалари ҳақидаги маълумот берувчи ўша давр ёзма манбаларидан энг ишончлиси сифатида қараладиганлари бу Хитой манбалари бўлиб, уларни ўрганган олимлардан Н.Я. Бичурин, Г.Е. Грум-Гржимайло, Таскин, Кюннер, А.Г. Малявкин ва бошқалар ушбу манбалардаги маълумотларни илмий муомалага илк бора киритган олимлар бўлиб ҳисобланади.

Н.Я. Бичурин тадқиқотларида асосий ўринни таржима ишлари ташкил этган бўлса, Г.Е. Грум-Гржимайло тадқиқотларида тарихий географик ва хўжалик иқтисодий жараёнлар таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Унинг тадқиқотларида ушбу қабила иттифоқлари тарихий жараёнларда қайси қудудларда яшаганлиги ва уларнинг иқтисодий қудрати ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан унинг ёзишича, “Беш дулу қабилалари таркибига кирувчи Чумукун қабиласи қарлуқлардан жанубий-

⁶ Турк ҳоқонлигининг ўрда тузилишига кўра қабилалар қўшиннинг талос-шарқий ва тардуш-ғарбий қанотига бўлинган. Бу атамаларни И.Н. Ключкин ўрганиб, уларни қабила номи билан боғлиқ эмаслигини таъкидлаган. Бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. - Б. 68.

ғарбий хуудларида кўчманчилик билан ҳаёт кечиришган. Бундан шундай хулоса чиқадики қарлуқлар Иртиш дарёси хавзасида яшашган демак, чумукунлар улардан жанубда Тарбағатой хуудларида истиқомат қилишган”. Аммо, олим таниқли инглиз олими Эдуард Шаваннинг фикрини келтириб ўтиб, чумукунларни қарлуқларнинг шарқида яшашган деган фикр-мулоҳазаларига қарши чиқади⁷.

Хитой тарихий манбаларида жанубий Сибир, Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ халқларига оид маълумотларни таҳлил этган таниқли хитойшунос олим Н.В. Кюнер Дулу ва Нушиби иттифоқини 638 йилда ташкил этилганини, улар Ғарбий Турк ҳоконлиги умумий кўшинининг қанотлари эканлиги, нушибилар ҳоконлик кўшини чап қаноти, дулулар эса ўнг қанотини ташкил этгани билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтади⁸.

Таниқли олим А.Г. Малявкин ўзининг “Танские хроники о государствах Центральной Азии: (Тексты и исследования).” Асарида, муаллиф Дулу ва Нушиби қабилалари уларнинг таркибига кирувчи қабилалар ҳақида анчагина салмоқли маълумотларни келтириб ўтганлигини кўришимиз мумкин. Асарда, Дулу иттифоқи таркибига беш қабилалар кирганлиги улар Чумукун, Хулуу, Шешети, Тюрғаш, Шунушиллар эканлиги, қабилаларнинг номланишидан ташқари, уларнинг раҳбарлари (хонлар) олиб юрган унвон ва лақаблар ҳақида маълумотлар келтириб ўтганлигини кўриш мумкин⁹.

Қадимги хун қабилалари тарихини тадқиқ этган таниқли олим А.Н. Бернштам фикрига кўра, дулу қабилалари қадимий халқлардан бўлиб, уларнинг шаклланишида, хунлар томонидан Еттисувдан усунлар ва Шимолий Тянь-Шандан сиқиб чиқарилган қабилалар, шунингдек,

⁷ Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. II Том. - Ленинград. 1926. – С. 259.

⁸ Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Издательство Восточной литературы, 1961. – С. 192.

⁹ Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: (Тексты и исследования). – Новосибирск: Наука, 1989. – С.168.

кейинчалик хунларнинг ўзи ҳам улар билан аралашиб кетган ва V асрда Юэбань номи билан Хитой манбаларида тилга олинган қабилалар иттифоқи бўлиб, VI асрда улар дулу иттифоқи номи остида бирлашганлар¹⁰. Н.В. Кюнёр фикрлари ва Н.Н. Бернштам фикрларига қарама-қаршидек кўриниши мумкин. Аммо, Кюнёр хитой манбаларидаги саналарни келтирган бўлса, Бернштам ушбу иттифоқнинг узок тарихий жараёнларда шаклланиш жараёнини кўрсатиб, бу жараён бир кун ёки йилда бўлмаганлиги кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилган.

Тарихий манба ва адабиётларда Дулу ва Нишуби қабилаларининг бири-бирига сиёсий рақиб эканлиги, кўп бора тилга олинган. А.Г. Малявкин ҳам ушбу фикрларни тасдиқлайди. Ҳар икки қабилани таркибини беш иттифоқдош қабиладан иборатлигини келтириб ўтади. Дулу қабила иттифоқи ва унинг таркибига кирувчи қабилаларни юқорида келтириб ўтган эдик. Нишуби қабила иттифоқлари ҳақида маълумот бериб ўтган А.Г. Малявкин уларни ҳам беш қабиладан иборат эканлигини таъкидласада, бу иттифоқ таркибидаги уч қабиланинг номини келтириб ўтган. Улар Басайган, Гешу, Асизте ва бошқалар деган жумлалар келтирилган холос. Аммо, Хитой тарихий адабиётларида Асизте ва Гешу қабилалари икки бора тилга олинсада, иероглифларнинг ёзилиши турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Хитойча номлари сақланиб қолинган туркий қабилаларнинг талафузи бир-бирига яқин бўлган кўринади. Хитойча номларида иероглифлар бошқа-бошқа ёзилсада, талафуз анча яқин¹¹.

К.Шониёзов берган маълумотларга қараганда, Дулу ва Нишуби қабила иттифоқлари элат ёки ягона этносга бирлаша олмадилар. Улар кейинги даврларда бошқа халқлар таркибига кириб сингиб кетдилар. “Агар этнос маълум бир ерда жойлашиб, шу ерда қарор топмаса, хўжалик фаолиятини

¹⁰ Бернштам А.Н. Очерки истории Гунов. – Ленинград.: Издательство Ленинградского университета, 1951. – С. 104-105.

¹¹ Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: (Тексты и исследования). – Новосибирск: Наука, 1989. – С.168.

давом эттиролмаса бундай этнос йирик этник бирликка бирлаша олмаслиги, яъни элат даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Бу хил этнослар кўпинча кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларидан бўлиб, улар тез-тез бир ердан иккинчи ерга кўчиб, жойларини алмаштириб туришлари ҳамда, сиёсий вазиятни ўзгариб қолиши туфайли кўпинча элат бўлиб шакллана олмаганлар. Булар кичик гуруҳларга бўлиниб, таркалиб турли этник уюшмаларга кириб (компонент сифатида) узок вақт ўз этник номларини саклаб қолганлар. Ўрта асрларда мавжуд бўлган аз, уз, дулу, нушиби, туркеш ва бир қанча бошқа қабилалар тақдири бунга мисол бўла олади¹²

Дулу ва Нушиби қабила иттифоқлари тарихий тақдири билан танишган Аристов Дулу қабиласи ҳақида анчайин чуқур тадқиқотлар олиб борган. Унинг маълумотларга кўра, Дулу ва Дуғлат қабилалари бир халқ бўлган. Бошқа манбаларга кўра эса, дулулар туркий қабилалардан бўлиб, Турк ҳоконлиги парчалангач, уларнинг бир қисми она юрти, Или ва Еттисувдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Бир қисми эса шу ерда қолганлар. Кейинчалик Чигатой улуси ва унинг шарқида Манглай Суба мулки (Еттисувдан Қошғаргача) тузилгач, уни дуғлатлар бошқарганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади¹³. Чунки Кўк турк ҳоконлиги ташкил топаётган даврларда ўн ўқ элнинг бир қисми улар томонига хитойдан қочиб ўтганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар тарихий адабиётларда келтириб ўтилган. Н.В. Кюннер берган маълумотларга кўра, дулу ва нушибиларнинг бир қисми 693 йилда Кўк турк ҳоконлигидан Хитойдан қочиб боради ва улар таркибида аралашиб кета бошлайди¹⁴. Қолганлари эса, Хитойнинг ички вилоятларига кўчирилиб, хитой этноси билан кейинги даврларда аралашиб кетади. Бизнинг фикримизча, Кўк Турклар олдида қочган ўн ўқ элкейинчалик дуғлатларни шакллантирган бўлса керак.

¹²Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни/Таҳрир хайъати Д.А. Алимova, Э.Х. Арифханова, У.С. Абдуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2001. –Б. 34-35. (-464 б.)

¹³ Муҳаммад Хайдар мирзо. Тарихи Рашидий/ таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янгилитш Егамова, Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов// Т.: "Шарқ",2010. – Б. 59-61.

¹⁴ Кюннер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Издательство Восточной литературы, 1961. – С. 192.

XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида яшаган татар тарихчиси З.В. Тўғон ҳам Турк ҳоконлиги ва туркий этнослар тарихи билан чуқур шуғулланган олимлардан бири бўлиб, унинг фикрича, Дулу-кўктуркларнинг ғарбий гуруҳи таркибига кирган. Демак, тарихда иккинчи турк ҳоконлиги ҳисобланган “Кўк турк ҳоконлиги” (680-742 йй) даврида тардушлар сирасига кирувчи Дулу иттифоқи маълум бир муддат талос гуруҳи ёки иккинчи турк ҳоконлиги таркибига ҳам кирган. Бу ерда Дулу иттифоқи ўз аجدодлари Қора Чўринни ёлғиз ташлаб кетган шарқий туркутлар билан доимий рақибликларини бир муддат унитганликлари хусусида илмий хулосага келиш мумкин. З.В.Тўғоннинг маълумотларига кўра, дулулар етакчилари чумукун қабиласи бўлиб, уларнинг номидан жамуклар келиб чиққан.¹⁵

Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрларга оид мусулмон даври манбаларига муносабат қилинганда ҳам ўша давр мансаб ва унвонлари ҳақида, яъни, ижтимоий табақалар ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Манбаларда Жамук ёки жамук деб аталувчи атамани ҳам учратиш мумкин. Бу ҳақида Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Нишопурийдан келтирилган ҳавола мавжуд. Унга кўра: “Одамлар бу ерга турли томонлардан кела бошладилар... уларга бу ер (Бухоро) ёқиб қолди ва қолишга қарор қилдилар. Дастлаб улар ўтовларда яшадилар. Вақт ўтиши билан ўзларига уйлар қуриб олдилар. Одамлар кўпайди. Улар ўзларига ораларидан бир кишини амир сайладилар. Унинг номи Абрўй эди... вақт ўтиши билан Абрўй катта бузруг бўлиб олгач, одамларга зулм ўтказа бошлади. Одамлар унга тоқат қила олмай турли томонларга қочиб кета бошладилар. Деҳқонлар ва савдогарлар вилоятдан қочдилар, Туркистонга бориб у ерда Тароз шаҳрига асос солдилар. Бу шаҳарни улар Жамукат (Хамукат) деб атадилар. Бухоро тилида жамук – қимматбаҳо тош деган маънони англатади... Шери Кишвар Абрўйни тутиб

¹⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010. –Б. 66.

жазолагандан кейин Жамукатдан қайтиб келганлар бу ерда қолган аҳолини ўзларининг хизматкорларига айлантирдилар¹⁶”.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таниқли олима О. И. Смирнова Бухородан Туркистонга қочган табақа вакилларининг бой, юқори табақа вакиллари, биринчи галда ҳукумрон табақага таълуқли вакиллар деб таъкидлаб, жамук ёки гавҳарнинг этимологияси ҳақида нафақат қимматбаҳо тош, балки, келиб чиқиш, мавжудлик каби маъноларни ҳам англатади деб таъкидлайди. Багавҳар, гавҳарнижод, покгавҳар каби сўз тузилишлари эса олийжаноб, олийнасаб келиб чиқиш маъноларини билдиради деган фикрларини келтиради. Шунингдек, Туркистонга қочиб кетган одамларнинг етакчиси бўлган шахснинг номи ҳам Жамук бўлган деб ҳисоблайди¹⁷.

Р. Н. Фрай ўз тадқиқотларида Сўғд тилидан турк тили орқали рус тилига ўзлашган гавҳар (жемчуг) сўзини қадимги туркий тилдаги ябғу атамаси билан боғлашга уринади. Бунин учун у Берунийнинг Хоразмшоҳлар номини тилга олганда икки бора аскачамук – яъни, буюк Чамук лақаби билан тилга олинишини асос қилиб олишга уринади. Бундан ташқари В. В. Бартольд асарларида чамук ҳам ҳукумрон табақа вакиллари сифатида тилга олинган. Бартольд маълумотларида Турк ҳоқони Курсул алжумукин уруғи хони дафн маросимига қатнашгани ёзилади. Ушбу фикрга баҳо бериб, Турк ҳоқони Бага тархон ҳақида фикр боришини таъкидлаб, унинг кул чур унвонига эга эканлиги сабабли Табарий кусул деб келтирган деб, маълумот беради. Жумукинларни эса дулу қабиласи итифоқиға кирган беш қабиладан бири бўлган ва хитой тилида Tch'ou – mou – goen k'in – lu tch'ou деб аталувчи уруғнинг кейинчалик турли тилларга турлича мослашгани ва Ўрта Осиё маҳаллий сулолалари шу уруғ вакилларидан келиб чиққанини исботлашга уриниш деб тариф беради¹⁸.

¹⁶ Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Бухоро тарихи / форс – тожик тилидан таржима А. Расулевники, масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т.: Фан. 1966. – Б. 56

¹⁷ Смирнова О. И. “Очерки из истории Согда” М. : “Наука” 1970. – Б. 32.

¹⁸ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, - Сочинения, Т. I . М.: Наука 1963. – С. 239.

Таниқли Хитойшунос олим, Марказий Осиё халқлари тарихи тадқиқотчиларидан бири Г.Е. Грум-Гржимайло изланишларида тарихий географик ва хўжалик иқтисодий жараёнлар таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Жумладан унинг ёзишича, “Беш дулу қабилалари таркибига кирувчи Чумукун қабиласи қарлуқлардан жанубий-ғарбий ҳудудларида кўчманчилик билан ҳаёт кечиришган. Бундан шундай хулоса чиқадики қарлуқлар Иртиш дарёси хавзасида яшашган демак, чумукунлар улардан жанубда Тарбағатой ҳудудларида истикомат қилишган”. Аммо, олим таниқли инглиз олими Эдуард Шаваннинг фикрини келтириб ўтиб, чумукунларни қарлуқларнинг шарқида яшашган деган фикр-мулоҳазаларига қарши чиқади¹⁹.

Беш нушиби қабиласи ва беш дулу қабиласи иттифоқлари хусусида Хитой Беш нушиби қабиласи ва беш дулу қабиласи иттифоқлари хусусида Хитой манбалари дастлабки маълумотларни беради. Хитой манбаларида Ғарбий Турк ҳоконлигида ўн уруғ эл (“Ши син”) ёки ши цзянь (“ўн ўқ эл”) ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг икки қабилавий иттифоқ дулу ва нушибидан иборат эканлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Бу хусусда Цзу Тан Шу (Эски тан сулоласи тарихи) асарининг 194 бўлими, 14-15 саҳифаларида, Ғарбий турк ҳоконлигининг аҳолиси ўн қабила ва икки дулу ва нушиби иттифоқларидан иборат эканлиги хусусидаги маълумотлар келтириб ўтилади.

Ушбу маълумотлар орасида дулу қабила иттифоқига кирувчи беш қабила ҳақида маълумотлар келтирилиб, етакчилари чур унвонини олиши, улардан биринчиси чумукин люй-чур, иккинчиси хулуцзюй кюль-чур (хулуу-кюль-чур) эканлиги Ашина Хэлу²⁰ унинг қизига уйланганлиги ҳам маълумот сифатида келтирилади. Дулу иттифоқига кирувчи учинчи қабила шэшэти

¹⁹ Грум-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. II Том. - Ленинград. 1926. – С. 259.

²⁰ Ашина Хели ҳақида айрим рус тарихий адабиётларида Хели ёки Сели номини султон Салим сифтида талқин этиш ҳоллари ҳам учрайди. Аммо, бу кейинги даврларда халқ этимологизациясининг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Л.Н. Гумилёв эса, уни Халлиғ шаклида қўллайди. Бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Дальний Восток и соседние территории в средние века. - Новосибирск: Наука, 1980. – С. 109.

тон-чур, тўртинчиси туциши хэлоши-чур ва бешинчиси ниши чупан-чур эканлиги келтириб ўтилади.

Нушиби қабила иттифоқи ҳақида келтирилган фикрларда эса, қабила иттифоқи етакчилари эркин унвонини олиб юриши, биринчиси асицзе кюль-эркин, иккинчиси, гэшу кюль-эркин, учинчиси юаньсайгань тон-шабо-эркин (басайгань тон-шабо-эркин), тўртинчиси, асицзе нишу-эркин, бешинчиси, гэшу чупан-эркин эканлиги келтириб ўтилган. асицзе ва Гэшу қабилаларининг икки бора такрор номлари келтирилишига қараганда, эҳтимол хитойик муаррихлар бир номдаги икки қабила ҳақида фикр юритган де хулоса қилишга шошилмаслик лозим. Чунки, талафузи бир хил бўлсада, ушбу қабилаларнинг хитой иероглифлардаги ёзилиши ҳар хил бўлганлиги боис, ушбу қабилаларнинг туркча номлари бир-бирига яқин талафуз қилинган деб хулоса қилиш мумкин²¹.

Тарихий адабиётларга келтирилган маълумотларга кўра, Турк ҳоконлиги даврида қабилаларининг нисбатан кучсизроқ, кам сонлилари ўзаро иттифоққа бирлашиш орқали кучли рақибларидан ўзларини ҳимоя қилишлари мумкин эди. Бундай ҳол уларни яйлов ва чорва талашишда ўзаро куллаб-қувватланиш гарови ҳам бўлган. Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга саёҳат қилган хитойлик Будда дини роҳиби бўлган Сюань-цзан Ўрта Осиё ҳудудларидаги саёҳатлари давомида рақиблари томонидан қисиб қўйилган Сису, Хо каби майда қабилалар ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдирганган бўлиб, уларни ўзаро биз юқорида келтириб ўтган сабабларга кўра иттифоқларга бирлашганликларини келтириб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз²².

²¹ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 168.

²² Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) / Сюань-цзан ; введ., пер. и коммент. Н.В. Александровой; Ин-т востоковедения РАН. - М.: Вост. лит., 2012. – С. 353-354.

Манбаларда теленгит қабилаларидан бирининг етакчиси сифатида Сайфу- Доланьгэ²³ хақида маълумотлар келтирилганда, Басай фу чумукунь мохэдо сыцзинь Барс-бек чумукунь багатур эркин. хақида ҳам маълумот берилади. Хитой манбаларида басайгань бу қабила номи эканлиги, Син Тан Шу (Эрта Тан сулоласи тарихий) асарининг 215 бўлими 76 саҳифасида қайд этилган. Шунингдек, Хитой манбасида хитойликлар томонидан Ашина Мишэ қатл этилгандан сўнг, унга итоат этган шуниши ва басайган қабилалари Тан империясидан юз ўгириб даштга кетиб қолади. Тарихчи олимларнинг фикрига кўра, “басай” - бу туркийча барс сўзининг хитойча траскрипцияси бўлса, “фу” – “бек” маъносини англатади, “басай-гань” - “Bags khan” шаклида таржима қилинади деган фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтадилар. “барс-бек” туркийча ном бўлиб, Кюль-тегин шарафига ўрнатилган ёдгорликда Bars-bäg шаклида тилга олинади²⁴.

Ғарбий турк ҳоконлиги ҳали вужудга келмаган бир вақтда ҳам дулу нушиби иттифоқи бўлганлиги хусусида тарихий адабиётларда маълумотлар учрайди. Сўғдшунос олим А.Отахўжаев берган маълумотларга қараганда, 554 йилда уйғурларни бўйсундирган Ябғу ҳокон Истами, дулу, нушиби, туркаш ва бошқа қабилалардан иборат катта 100 минг кўшин тузган²⁵. Шунингдек, Ҳонликнинг Ғарбий қисмида дулу ва Нушиби қабилалари унинг ташкил топган даридаёқ сиёсий ва дипломатик муносабатларида фаол рол ўйнаганликлари ҳам келтириб ўтилган. Юқорида номи қайд этилган муаллиф келтириб ўтишига қараганда, 563 йилда Истами ҳокон нушиби қабиласи оқсоқоли Эскилни (Византия манбаларида номланиши) Константинополга

²³ “Цзычжи тунцзянь” Хитой манбасида, Чжэнь-гуань эрасининг 20 йили (1.П.647 й) 12 ойининг у-инь кунида, қатор туркий қабилалар Тан империясига таслим бўладилар (Биринчи Турк ҳоконлиги парчаланиши натижасида) Улар орасида уйғурларнинг сардори эльтэбир Тумиду, пугу қабиласи эльтэбири Гэ-янь Баянь, баегулар эльтэбири Цзюэлиши, тунлолар эльтэбири Шицзянь чо, шунингдек, сыцзе усуй, хунь, хусе, сицзе, аде, циби ва оқ си қабилалари қаторида долангэ қабиласи эркини Мо ҳам таслим бўлганлиги келтириб ўтилади. Эркин унвони фақат нушиби иттифоқи кирган қабилалар етакчилари олганлигини инобатга оладиган бўлсак, нушибилар орасида доланьгэ қабиласи ҳам бўлганлиги ўз-ўзидан анё бўлиб қолади. тўлиқроқ қаранг. Дальний Восток и соседние территории в средние века. - Новосибирск: Наука, 1980. – С. 115.

²⁴ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности: Тексты и исследования. – М- Л., 1951. – С. 38.

²⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010-41.б

элчи сифатида юборган. Элчиликнинг асосий мақсади 565 йилда Баёнхон ташкил этган Шимолий кавказдаги Авар хоқонлиги Византия ерларига босқинчилик урушлаи ўтказаетган эди. Турк хоқонлиги Византияга аварларга қарши урушдаги иттифоқни таклиф этди²⁶.

Хулоса қилиб айтганда, дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар хитой, эрон, византия ва араб манбаларида тилга олинган бўлиб, келтирилган маълумотлар орасида дулу қабила иттифоқига оидлари нушибиларга нисбатан анча кўпроқ салмоққа эга эканлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби, дулу қабилаларининг нушиби қабилаларига қарши курашлари ва уларнинг Хитой билан алоқалари деб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, нушибилар асосан Сўғдиёна ҳудудлари билан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яқин бўлганлиги ва араблар босқини даврида сўғд ёзма ёдгорликларининг йўқ қилиниши натижасида нушибиларга оид маълумотлар деярли йўқолиб кетган деб хулоса қилиш мумкин.

I.2. Дулу Нушиби қабила иттифоқларининг Турк хоқонлигидаги ўрни

Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили дулу ва нушиби қабила иттифоқлари Турк хоқонлиги ташкил топган вақтдан бошлаб мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Аммо, Хитой тарихий адабиётларида бу

²⁶ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.: АРТ-ФЛЭХ. 2010. – Б. 24.

иттифоқлар бир қадар кейинроқ Ишбарахон даврида ташкил этилган деган жумлаларни ўқиш мумкин. Бизнинг фикримизча Турк ҳоконлигида ашина уруғининг мавқеи пасайиши ва дулу, нушиби иттифоқининг асосий аскарый қудратидан кейингина хитойлик муаррихлар улар ролига аҳамият бера бошлаганлар. Турк ҳоконлиги ташкил топиш арафасида, яъни 563 йилда Ябғуҳоқон Истами нушиби қабиласи оқсоқоли Эскилни Константинополга элчи сифатида юборганлиги, элчиликдан кўзланган асосий мақсад эса, 565 йилда Баёнхон ташкил этган Шимолий кавказдаги Авар ҳоконлиги билан Византия империяси билан душманлик муносабати бўлиб, улар Турк ҳоконлигига бўйсунушни истамаганлиги, Византия ерларига босқинчилик урушлари ўтказаетганлиги бўлиб, Турк ҳоконлиги Византияга аварларга қарши урушдаги иттифоқни таклиф этганди²⁷.

Шунингдек, А.Отахўжаев маълумотларида, Турк ҳоконлиги ва унинг ғарбий қисмини шаклланиш жараёни бошланган 554 йилги воқеалар хусусида фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, шу йили уйғурларни бўйсундирган Ябғуҳоқон Истами, дулу, нушиби, туркаш ва бошқа қабилалардан иборат катта 100 минг кўшин тузганлиги хусусидаги маълумотларни келтириб ўтади²⁸. Демак, Турк ҳоконлиги тузилиши арафасид саналган уч қабиладан иккитаси дулу ва нушибилар бўлганлигининг ўзи ушбу иттифоқнинг бу давлатдаги ўрни ва ролини қай даражада эканлигини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ғарбий Турк ҳоконлиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётида биз кўриб чиқаётган дулу ва нушиби қабилалари катта рол ўйнаганлигини тарихий адабиётлардаги факт ва далиллар тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, ушбу қабилалар ҳоконликнинг ҳарбий қудрати асосини ташкил этганлар. Чунки Ғарбий Турк ҳоконлиги емирилиш вақтида ҳам, яъни 658-659 йилларда Тан

²⁷ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010. –Б. 24.

²⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010. – Б. 41.

генерали Су Динфаннинг Хитойга бўйсунмаган Ашина Хэлу устига қилган харбий юриши вақтида Цзиньшань (Олтой тоғи) тоғи шимолида чумукунь қабила яшаши ва бу қабилага уйғурлар зарба берганлиги, бу қабила эркини Ланьдулу 10 мингдан ортиқ хонадони билан таслим бўлганлиги, Хэлу эса, хулуу қабилаи етакчиси кюль-чур, шэшэти қабиласи етакчиси чупан-чур, шуниши қабиласи етакчисикюль-чур, чумукин ва беш нушиби қабилалари билан биргаликда 100 минг кишилиқ кўшинга бош бўлиб қаршилиқни давом эттирган²⁹ига оид маълумотнинг ўзиёқ дулу ва нушиби иттифоқи таркибига қирувчи юқорида номлари зикр этилган қабилалар ҳоқонлиқнинг асосий харбий кучи эканлиқидан далолат беради. Демак дулу ва нушиби қабилалари Фарбий Турк ҳоқонлиқининг асосий аскарый қуввати бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Иккинчи бир томондан Дулу ва Нушиби қабилаларининг ташқи душманга биргалиқда қурашганлиқлари ҳам диққатга сазовордир.

Ашина Хэлунинг мағлубияти аниқ ва зарурий бўлган жараён бўлиб, Фарбий Турк ҳоқонлиқида дулу ва нушиби қабилаларининг сиёсий қурашлари унинг ҳоқимият тепасига келиши ва умумий душманга қарши қураш жараёнидагина тўхтагани. Биринчи мағлубият бу қабилалар иттифоқини бузилишига сабаб бўлди. Бунгача, Тан сулоласи ушбу қабилалар устига уларни итоатга келтириш мақсадида юборган Лян Цзяньфана, Циби Хэли, Чэн Чжицзе ва бошқа лашкарбошилар жангларда мағлубиятга учратилганда дулу ва нушиби қабила иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик бузилмагани. Чунки ўлжа ва бойлиқ тақсимоти уларни ягона мақсад учун бирлаштирган. Аммо, қабила иттифоқларининг нуфузини инобатга олиб, хитойлиқлар уларнинг ҳар бир учун кўғирчоқ хонлиқлар тузганлиқини кўриш мумкин³⁰.

Фарбий ҳоқонлиқни ўн ўқ уруғ ёки ўн ўқ элга бўлиш, Хитой тарихий адабиётларида Ышбара Хилаш-ҳоқон даврига тўғри келиши қайд этилади.

²⁹ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. - С. 39.

³⁰ Малявкин А.Г. Марионетки из рода Ашина // Восточный Туркестан и Средняя Азия. - М.: Наука, 1984. - С. 135 - 155.

Цин Тан шуда ҳоқон кутилмаганда ислоҳот ўтказиб, давлатни асосий ўн қабила ўртасида ақсимлагани, ҳар бир қабилани бир етакчи бошқариши ва улар ўн шод деб аталиши, яъни шод шаҳзодалар олиши керак бўлган унвонлиги, қудратли уруғ етакчилари эндиликда бу унвонни ола бошлагани, қабилалар чап ва ўнг қанотга бўлингани, уларнинг ҳар бири беш ўқдан иборатлиги бу ислоҳатлар кейинчали дулу ва нушиби қабилалари ўртасида олий ҳокимият учун кураш бошланганига сабаб бўлгани келтириб ўтилган³¹.

Ўтказилган ислоҳот 635 йилда Ишбара Тўлис шод томонидан дулу ва нушиби қабилаларини тинчлантириш ва марказий ҳокимиятга итоатда тутиш мақсадида қилинган бўлиб, Бу даврда ҳоқонликдаги ички курашларда хоннинг қўлида реал куч йўқ эди. Дулу ва Нушиби қабилалари ташқи хавф бўлмаган пайтларда дарҳол ўзаро низоларга берилиб кетарди. Олий ҳокимиятни кучсизлантирувчи ислоҳотни ўтказиш ҳам айнан шу қабила иттифоқлари манфаатлари учун эди. Ислоҳотга кўра, қабила иттифоқларининг олий бошлиқлари Ашина уруғидан эмас шу уруғдан тайинланадиган бўлиб, уларга шод унвонини олиш имкони берилади. Дулу ва Нушиби иттифоқлари орасидаги чегара Чу дарёси бўлиб қолди³².

Аммо, Иккинчи бир томондан Хитой муаррихларининг ёзувларидан туркий халқларнинг анъана ва урф-одатлари ва ҳар бир уруғнинг вазифаси тақсимланганини билмаганлиги матндаги маълумотлардан кўриниб турибди. Чунки турк-мўғул анъаналарида уруғ-қабилаларнинг уруш ҳолатида қай тартибда жойлашиши тартиби бўлиб, Турк ҳоқонлиги яхлит бўлиб турган даврда талос ва тардуш иттифоқлари ҳоқонлик қўшининг ўнг ва сўл қаноти эканлиги тарихий адабиётларда келтирилиб ўтилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин³³.

³¹ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 175. 262-изох.

³² Бичурин Н.Я. История Тибета и Кукунора с 2282 года до Р.Х. до 1227 года по Р.Х. Часть – 1. – Санкт-Петербург, 1833. – С. 138.

³³ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б.

Аммо, ислохотлар ҳоқонликда янги ички курашларни келтириб чиқаради. Чунки, дулу ва нушибиларга берилган имтиёз қорлуқлар, яғмолар, кипчоқлар, басмаллар, чуюе, чуми ва шатоларга берилмаган бўлиб, бу қабилалар ўзларини камситилган ҳисоблаганлар. Бу эса хон обрўсининг тушиб кетиши ва ушба қабилаларнинг ҳам ҳокимият учун кураш бошлашига сабаб бўлади. Ғарбий Турк ҳоқонлиги шу пайтгача Шарқий Туркистондаги Гаочан беклиги билан иттифоқда бўлиб, Ишбара Тўлис шоднинг Қорашар билан иттифоқ тузиши норзи бўлган чуюе ва чуми қабилаларининг Гаочан билан иттифоқликда Қорашарга хужум қилишига баҳона бўлади. Уларнинг етакчиси Йўқиқ шод бўлиб, 638 йилда улар нушибилар билан кураш бошлайдилар. Шу вазиятда Тун-тудун бошчилигида ҳам Тўлис шодга қарши исён бошланади. Тун-тудуннинг таклифи билан тахтга Йўқиқ шод таклиф этилади. Нушибилар оқсоқоли Ассиқ Қул сиғин таклифига кўра, ўқиқ олий ва Ишбара кичик хон бўлиши лозим эди. Аммо, мунозарлар Тун-тудун давомида у ўлдирилади³⁴.

Тарихий адабиётларда Ғарбий Турк ҳоқонлигида асосий сиёсий кучни ташкил этувчи дулу ва нушиби қабилалари жойлашган ҳудудлар келтириб ўтилган бўлиб, бу уларнинг кейинчалик сиёсий курашларида ва Турк ҳоқонлиги тарихида муҳим аҳамиятган эга бўлган омиллардан бири бўлган десак муболага бўлмайди. Еттисув ва Жунғория ҳудудларида дулу қабилалари иттифоқи яшаган бўлса, Тянь-Шаннинг Ғарбий қисмлари ёнбағирлари ва Иссиқкўл атрофида нушибилар эгаллаганлиги, сув, ўрмон ва яйлов бу ерда улар учун етарли бўлганлиги, шунингдек, Сўғдиёна ва бошқа бой ўлкаларга борадиган карвон йўли бўйида нушибиларнинг жойлашганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин³⁵.

³⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-II. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 295.

³⁵ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 168.

Ғарбий Турк ҳоконлиги тугатилиши арафасида Эронда ҳам Сосонийлар сулоласи инқироzi бошланган бўлиб, арабларнинг ғолибона юришлари натижасида сосонийлар сулоласи сўнгги ҳукумдори Яздигирд мамлакатнинг шарқий қисмларига томон қочиб боради. Марвга қочган Эрон шоҳи Яздигирдга марзбон (вилоят ҳокими) Махуй сур суиқасд уюштиради. Унинг чақириғига биноан Сўғдда ўрнашган нушиби оқсоқолларидан бири бўлган Бижан тархон Эрон шоҳи устига бостириб боради. Хулоса қилиш мумкинки, нушибилар оқсоқоли марказий ҳокимият ижозатисиз шоҳ устига қўшин торган. Бу эса, Ғабий Турк ҳоконлигида ушбу қабила иттифоқи оқсоқолларининг мустақил сиёсат юрита олганлигидан далолат беради. Шоҳ кутилиб қолсада, яширинган вақтда тегирмончи томонидан ўлдирилади. Махуй айбни туркларга тўнкаб, шоҳ ўзига тож ва узукни васият қилиб қолдирганини эълон қилади. Бу эса, сосонийларга қонуний меросхўрликни англаган. Аммо, Фирдавсийда Бижан самарқанд ҳокими ва Яздигирдга қилинган суиқасд Марв шаҳрида эмас Тус шаҳрида содир бўлиб ўтганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин³⁶.

Махуй Сури вазиятдан унимли фойдаланиш мақсадида Хитой билан ҳоконлик ўртасида уруш келиб чиқиши билан ўз қўл остидаги ерларга Хуросон, Тохаристон ва Сўғдни қўшиб олмоқчи бўлади. Бу унга у қадар қийин кўринмаган бўлса керак. Чунки, Сўғдда нушибилар Хитой билан сулҳ тузилишидан манфаатдор, савдогарлар тинчлик ва фойда берадиган ҳар қандай ҳукумдорни қўллаб-қувватлардилар. Дулулар билан рақобатчи нушибилар эса, унга хайрихоҳ бўлиши мумкинлиги Махуй Сурининг йирик давлат тузишга уринишига сабаб бўлган бўлса керак. Махуй сури билан биринчи жангдаёқ у асир олиниб қатл этилади. 656 йилда ўн ўқ элнинг

³⁶ Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: дастон/Абулқосим Фирдавсий; форсийдан Ш. Шомухаммедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 712.

Хуросонга юриши қолдирилиб, шарқий чегарадаги мувознатни тиклаш учун ғарбга кетишга мажбур бўлади³⁷.

Турк ҳоконлиги мавжуд бўлиб турган даврда, қабилалар ўзаро иттифокларга бирлашган бўлсаларда уларнинг ҳеч бири этнос ёки миллат сифатида бирлаша олмадилар. Худди шу каби Дулу ва Нишуби қабила иттифоклари элат ёки ягона этносга бирлаша олмадилар. Улар кейинги тарихий даврларда бошқа халқлар таркибига кириб сингиб кетдилар. Бу хусусда фикр бидирган таниқли этнограф олим К.Шониёзов: “Агар этнос маълум бир ерда жойлашиб, шу ерда қарор топмаса, хўжалик фаолиятини давом эттиролмаса, бундай этнос йирик этник бирликка бирлаша олмаслиги, яъни элат даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Бу хил этнослар кўпинча кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларидан бўлиб, улар тез-тез бир ердан иккинчи ерга кўчиб, жойларини алмаштириб туришлари ҳамда, сиёсий вазиятни ўзгариб қолиши туфайли кўпинча элат бўлиб шакллана олмаганлар. Булар кичик гуруҳларга бўлиниб, таркалиб турли этник уюшмаларга кириб (компонент сифатида) узок вақт ўз этник номларини саклаб қолганлар. Ўрта асрларда мавжуд бўлган аз, уз, дулу, нушиби, туркеш ва бир қанча бошқа қабилалар тақдири бунга мисол бўла олади³⁸”

Ушбу қабила иттифоклари тарихий тақдири билан танишган Аристов Дулу қабиласи ҳақида алоҳида тадқиқотлар олиб борган. Унинг маълумотларга кўра, Дулу ва Дуғлат қабилалари бир халқ бўлган. Бошқа манбаларга кўра эса, дулулар туркий қабилалардан бўлиб, Турк ҳоконлиги парчалангач, уларнинг бир қисми она юрти, Или ва Еттисувдан чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Бир қисми эса ўзлари яшаб турган ерларда қолганлар. Кейинчалик Чифатой улуси ва унинг шарқида Манглай Суба мулки (Еттисувдан Қошғаргача) тузилгач, уни дуғлатлар бошқарганлиги

³⁷ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 262.

³⁸ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни/Таҳрир ҳайъати Д.А. Алимова, Э.Х. Арифханова, У.С. Абдуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2001. –Б. 34-35.

тарихий адабиётларда келтириб ўтилиши билан боғлиқ маълумотлар тарихий адабиётларда келтириб ўтилади³⁹.

XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида яшаган татар тарихчиси З.В. Тўғон ҳам Турк ҳоконлиги ва туркий этнослар тарихи билан чуқур шуғулланган олимлардан бири бўлиб, унинг фикрича, Дулу-кўктуркларнинг ғарбий гуруҳи таркибига кирган. Демак, тарихда иккинчи турк ҳоконлиги ҳисобланган “Кўк турк ҳоконлиги” (680-742 йй) даврида тардушлар сирасига кирувчи Дулу иттифоқи маълум бир муддат талос гуруҳи ёки иккинчи турк ҳоконлиги таркибига ҳам кирган. Бу ерда Дулу иттифоқи ўз аجدодлари Қора Чўринни ёлғиз ташлаб кетган шарқий туркутлар билан доимий рақибликларини бир муддат унитганликлари хусусида илмий хулосага келиш мумкин. З.В.Тўғоннинг маълумотларига кўра, дулулар етакчилари чумукун қабиласи бўлиб, уларнинг номидан жамуклар келиб чиққан.⁴⁰

Тарихий адабиётларда дулу ва нушиби қабила иттифоқларининг таркибига кирувчи қабилалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиланки, бу уларнинг давлатда нуфузининг ортиши ва мавқеига қараб тилга олинганлигини англатиши мумкин. Жумладан, шэшэти қабиласи дулу иттифоқига кирувчи беш қабиладан бири бўлиб, хитой манбаларида хусусан Син Тан шуда кўп бора тилга олинади. Хусусан, бу қабила дулу ва нушиби иттифоқи рақобати ва Ашина Хэлунинг мустақиллик учун курашлари фаолиятида бир неча бор тилга олинади. “Фарғона ҳақида” хитой манбаларида келтирилган 658 йилги маълумотларда эса, Фарғона ҳукумдори унвони То-тутунь-шэшэти-юйцзюэ-чжаому (СТШ, 221 бўлим 26 саҳифа) тарзида келтирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁴¹. Демак шэшэти қабиласи VII аср ўрталарида Фарғона ҳудудларида яшаган ва ҳукумронлик қилган деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, бу қабиланинг Ғарбий турк

³⁹ Рашидий.....

⁴⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010. – Б. 66.

⁴¹ Малявкин А.Г.Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования.- Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 164-165. 239-изох.

хоқонлигидаги иқтисодий муҳим аҳамиятга эга бўлқалардан бири, яъни савдо йўллари устида ҳукумронлик қилганини кўрсатиб беради.

Хитой манбаларида дулу иттифокига кирувчи хулуу қабиласи ҳақида олимлар турлича маълумотларни келтириб ўтадилар. Хулуу хитой тилида учта иероглифни ташкил этгани ҳолда, дастлабки икки иероглифни туркий тилдаги улуғ сўзи билан боғлайдилар. Ушбу фикрни исботлаш учун қатор мисоллар мавжуд. Жумладан, уйғурларнинг хулу сылифа Тумиду – ulu eltabar Тумиду номли етакчиси ва хулу иероглифларининг бир хилда ёзилишини асос қилиб келтириш мумкин. Олимларнинг фикрича, “хулу” “uluу” – “буюк”, ва “у” – “оқ” маъноларини беради. Бу эса улуғ ўқ, улуғ уруғ маъноларига мос келади деган қарашлар мавжуд⁴². Кўриниб турибдики, қабила номининг ўзиёқ унинг Ғарбий Турк хоқонлигидаги ўрнини белгилаб берган. Акс ҳолда бу номга қарши бўлган ёки даъво қилиб чиққан қабилалар билан ўзаро нифоқ чиқиши мумкин бўлиб, биз кўриб чиққан тарихий адабиётларда ушбу масалага оид бирор бир маълумот учратмадик.

Чумукун қабиласи ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Хитой манбаларида чумукинлар ашина Хэлу фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги қайд этилади. дастлабки маълумотлар чумукинларнинг Ашина Хэлу билан биргаликда Ғарбий турк хоқонлигида салтанат учун курашиб, мағлуб бўлгандан сўнг Тан империясига келган чжишэди, поби ва чумукин қабилалари тилга олинади. Ашина Хэлунинг Ғарбий хоқонликни қайта тиклаш йўлидаги уринишлари даврида чумукинлар у билан охиригача бирга бўладилар. Аммо, ўзлари ҳам жуда катта йўқотишларга учраганликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилган. Хитой манбаларида чуцзянькунь, чушуйкунь, чумужикунь мукунь шаклидаги транскрипчилари ҳам учраб туради⁴³.

⁴² Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 164-165.

⁴³ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 163.

Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрларга оид мусулмон даври манбаларига муружат қилинганда ҳам ўша давр мансаб ва унвонлари ҳақида, яъни, ижтимоий табақалар ҳақида кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Манбаларда Ҳамук ёки жамук деб аталувчи атамани ҳам учратиш мумкин. Бу ҳақида Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Нишопурийдан келтирилган ҳавола мавжуд. Унга кўра: “Одамлар бу ерга турли томонлардан кела бошладилар... уларга бу ер (Бухоро) ёкиб қолди ва қолишга қарор қилдилар. Дастлаб улар ўтовларда яшадилар. Вақт ўтиши билан ўзларига уйлар қуриб олдилар. Одамлар кўпайди. Улар ўзларига ораларидан бир кишини амир сайладилар. Унинг номи Абрўй эди... вақт ўтиши билан Абрўй катта бузруг бўлиб олгач, одамларга зулм ўтказа бошлади. Одамлар унга тоқат қила олмай турли томонларга қочиб кета бошладилар. Деҳқонлар ва савдогарлар вилоятдан қочдилар, Туркистонга бориб у ерда Тароз шаҳрига асос солдилар. Бу шаҳарни улар Жамукат (Хамукат) деб атадилар. Бухоро тилида жамук – қимматбаҳо тош деган маънони англатади... Шери Кишвар Абрўйни тутиб жазолагандан кейин Жамукатдан қайтиб келганлар бу ерда қолган аҳолини ўзларининг хизматкорларига айлантирдилар⁴⁴”.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таниқли олима О. И. Смирнова Бухородан Туркистонга қочган табақа вакилларининг бой, юқори табақа вакиллари, биринчи галда ҳукумрон табақага таълуқли вакиллар деб таъкидлаб, жамук ёки гавҳарнинг этимологияси ҳақида нафақат қимматбаҳо тош, балки, келиб чиқиш, мавжудлик каби маъноларни ҳам англатади деб таъкидлайди. Багавҳар, гавҳарнижод, покгавҳар каби сўз тузилишлари эса олийжаноб, олийнасаб келиб чиқиш маъноларини билдиради деган фикрларини келтиради. Шунингдек, Туркистонга қочиб кетган одамларнинг етакчиси бўлган шахсинг номи ҳам Жамук бўлган деб ҳисоблайди⁴⁵.

⁴⁴ Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Бухоро тарихи / форс – тожик тилидан таржима А. Расулевники, масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т.: Фан. 1966. – Б. 56

⁴⁵ Смирнова О. И. “Очерки из истории Согда” М. : “Наука” 1970. – Б. 32.

Р. Н. Фрай ўз тадқиқотларида Сўғд тилидан турк тили орқали рус тилига ўзлашган гавҳар (жемчуг) сўзини қадимги туркий тилдаги ябғу атамаси билан боғлашга уринади. Бунин учун у Берунийнинг Хоразмшоҳлар номини тилга олганда икки бора аскачамук – яъни, буюк Чамук лақаби билан тилга олинишини асос қилиб олишга уринади. Бундан ташқари В. В. Бартольд асарларида чамук ҳам ҳукумрон табақа вакиллари сифатида тилга олинган. Бартольд маълумотларида Турк ҳокони Курсул алжумукин уруғи хони дафн маросимида қатнашгани ёзилади. Ушбу фикрга баҳо бериб, Турк ҳокони Бага тархон ҳақида фикр боришини таъкидлаб, унинг кул чур унвонига эга эканлиги сабабли Табарий кусул деб келтирган деб, маълумот беради. Жумукинларни эса дулу қабиласи итифоқига кирган беш қабиладан бири бўлган ва хитой тилида Tch'ou – mou – roen k'in – lu tch'ou деб аталувчи уруғнинг кейинчалик турли тилларга турлича мослашгани ва Ўрта Осиё маҳаллий сулолалари шу уруғ вакилларидан келиб чиққанини исботлашга уриниш деб тариф беради⁴⁶.

Чупан-чур (чубань-чо) Хитой тарихий адабиётларида “Инсо” уезди ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнлар келтирилиб, у шуниши қабиласи яшаши лозим бўлган ҳудуд сифатида тилга олинади. Хитой манбалари таҳлили билан шуғулланган олимларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, чубань бу туркийча унвоннинг бир қисми бўлиб, чо (чур) атамаси қўшинлаганда яхлит титул ҳосил бўлади. Тарихчиларнинг фикрларига кўра, хитойлик муаррихлар баъзан қабила етакчилари титул ва унвонларини уларнинг шахсий номлари сифатида келтириш ҳоллари ҳам учраб туради. СТШда дулу иттифоқига бирлашган беш эркинлар орасида кошу чупан-эркин-гэшу чубань сыцзинь ҳақида ҳам келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин⁴⁷.

⁴⁶ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, - Сочинения, Т. I. М.: Наука 1963. – С. 239.

⁴⁷ Гэшу қабиласи учун алоҳида тан сулоласи округ ташкил этган. Тан империяси даврида бу қабила вакиллари юксак ҳарбий лавозимларни эгаллаган. Шунингдек, Ань Лу-шань кўзғолони даврида унга қарши курашда империя армиясида Гэшу Хань ва унинг ўғли Гэшу Яолар жонбозлик кўрсатганлар. Бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирски: Наука, 1981. – С. 190-191.

Дулу қабила иттифоқига кирувчи шуниши қабиласи ҳақида 712 йилига оид Хитой манбаларида ҳам келтирилиб, шато қабиласи етакчиси Фугонинг онаси Шуниши уруғидан эканлиги қайд этиб ўтилади⁴⁸. Бу эса, ушбу қабиланинг Иккинчи (Кўк Турк) ҳоқонлигида ҳам ўз ўрнига эга бўлганлиги, давлатда мавқеи баланд бўлганлигини кўрсатиб берувчи маълумот бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ғарбий Турк ҳоқонлигида дулу ва нушиби қабила иттифоқлари унинг ташкил этилиш жараёнидаёқ мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хитой манбаларида эса, уларнинг нисбатан кейинги даврларда ташкил этилганлиги билан боғлиқ маълумотлар ҳоқонликда сиёсий курашларнинг кескинлашгани ва марказий ҳокимият кучсизланиб, уруғ-қабила етакчиларининг мавқеи ўсиб борган жараёнларда хитойликларнинг ички курашлардан фойдаланиб, Турк ҳоқонлигини емириш мақсадида улар билан ўзаро келишиб, аниқроғи фитналар уюштириш жараёнида тасаввурга эга бўлганлар. Шунингдек, нушиби қабила иттифоқидан кўра, дулу қабилалари ҳақида маълумотларнинг кўпроқ учраши дулуларнинг хитойликлар билан ҳамкорликда рақиблари нушибиларга қилинган исёнлар натижаси ва ўзаро муносабатларнинг хоҳ яширин, хоҳ ошкора бўлсин кўпроқ бўлганлигида деб ҳисолаймиз.

II Боб. Ҳоқонликда етакчилик қилиш учун курашлар.

II.1. Сўғда Нушиби етакчилик даври

Сўғдийлар Турк ҳоқонлиги савдосида фаол иштирок этганларликлари тарихий адабиётларда келтириб ўтилган. VI-VII асрларда сўғд майда

⁴⁸ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 165.

ўлкаларга бўлиниб кетган бўлиб, улар карвон савдосидан катта даромад кўрар, турк ҳоқонларининг уларни ички автономиясини чаклаб қолганлиги ва савдодан тушган даромаддан улуш олиши билан чеклангани Сўғднинг гуллаб яшнашидаги асосий омил эди. Ғарбий Турк ҳоқонлигининг шимолий ҳудудларида яшовчи дулу қабилаларига карвон савдосидан кам наф тегарди. Улар айрим вақтларда Жунғор дарвозаси орқали юрадиган карвонларни таларди. Аммо, бу мунтазам даромад дегани эмасди. Фарғона ва сўғдда яшайдиган нушибилар ўз ҳудудлари орқали ўтказган карвонлар ва уларни хавфсизлигини таъминлаш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш орқали катта фойда олардилар ⁴⁹. Бу эса, қабилалар ўртасидаги сиёсий курашларнинг асосий масаласи бўлиб қолган.

Дулу ва Нушиби қабилалари ўртасидаги сиёсий ҳокимият учун кураш тарихий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, 694 йилда бошланган деб хулоса қилиш мумкин. Чунки, шу йили Ғарбий Турк ҳоқонлигининг сўнгги буюк ҳуқумдорларидан бири Қора Чўрин Бўғухон Хитой юриши даврида Тогон давлатида сирли равишда ўлдирилади. Ўғли Нилихон ҳам урушда ҳалок бўлади. Тахтнинг қонуний меросхўри бўлиши лозим бўлган Нилохоннинг укаси Пўши тегин Хитойда асирга олинганди. Тахтга қонуний даъво қилиши мумкин бўлган Чоч ҳуқумдори Шегуй ўрнига Нилихоннинг ўғли унинг вафотидан сал олдин туғилган Таман Нигу Чулохон номи билан тахтга ўтқазилади. Иакинф Бичурин унинг ўрдаси “Қадимги усун ерлари”да жойлашганлигини келтириб ўтади. Бу эса, ҳали гўдак бўлган шаҳзодани дулу қабиласи тахтга ўтқазганини аниқлаган. Давлат ишларини бошқарадиган олий даражадаги сифан ва хунда лавозимларини ҳам қабила оқсоқоллари эгаллайдилар. Улар бу билан ҳам чекланиб қолмасдан, йилида икки марта аждодлар ва осмон руҳига қурбонлик қилиш маросимини ҳам хондан тортиб оладилар ⁵⁰. Бу ҳолат эса, биринчидан, тахтга ноқонуний ўтириш ва

⁴⁹ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 167.

⁵⁰ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 279.

иккинчидан, Ашина уруғи нуфузига зарба бериш ва асосийси учинчидан, иқтисодий рақиблик эндиликда сиёсий рақибликни келтириб чиқарганлигини кўришимиз мумкин.

Фақат хон бажариб келган амалларнинг дулу қабила иттифоқи томонидан тортиб олинishi эса, нафақат нушибилар, балки Ашина уруғини ҳам ҳақорат қилиш билан баробар эди. Сўғдийлар эса, карвон йўлларида тинчлик ўрнатилишини истар ва бу ишни амалга оширишга тайёр ҳукумдорни маблағ билан қўллаб-қувватлашга тайёр эди. Бу ҳолатда Чоч беги ва тахтга қонуний меросхўр бўла оладиган Шегуйни қўллаб-қувватловчилар сони ортиб боради. Сўғдийлар Хитойга элчилар жўнатиши Шегуйга Тан сулоласи томонидан ишлари ўқдек ривожланишига ишора сифатида оқ патларни юборилиши ва элчилардан дулу қабиласи томонидан бу патларни тортиб олинishi Шегуйни уларнинг устига бостириб боришга асос бўлди. Ноқонуний тахтга чиқарилган Таман эса, нушибиларнинг ўч олишидан кўрқиб, Шарққа қочади ва 612 йил Хитойга таслим бўлади⁵¹.

Шегуйхон (611-618 йй) ва ундан кейинги ҳоқон Тўн ябғу (618-630 йй) ҳукумронлиги даврида 604 йилда Қора Чуриин ҳалокатига бўлган ерларни яна Ғарбий Турк ҳоқонлиги (Гаочандан ташқари) қайтганини англатарди. Бу эса, мамлакатда бирликнинг тикланиши дегани эди. Аммо, нушибиларнинг етакчилиги нафақат дулу қабилалари, балки бошқа майда қабилаларни ҳам марказий ҳокимият ва нушиби иттифоқига қарши қилиб қўйган. Тўн Ябғухон ҳукумронлигининг сўнги даврида дулу иттифоқининг ҳокимиятга қарши норозилиги ошиб бориб, Шарқий ҳоқонлик томонидан Бешбалиқ шахрининг эгалланиши билан дастлаб Қора Иртишдаги қорлуқлар ва ундан сўнг дулулар кўзғолон кўтаришига сабаб бўлади. Уларга Моходу хоу (Баҳодир бек) номли Тўн Ябғунинг амакиси бошчилик қиладилар. Улар хонни ўлдириши билан

⁵¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-II. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 282.

Баходир бек Қутлуғ Сибир хон ними билан тахтга ўтирганини маълум қилади⁵².

Тахтга ўтириши билан Қутлуғ Сибирхон нушибиларни иқтисодий қудратидан кўрқиб, уларни итоатда тутиш учун Хитойга элчи юбориб, ўзига Тан маликасини хотинликка сўрайди. Агар никоҳ шартномаси амалга ошганда, Хитой билан иттифоқчилик юзага келиши Сибирхонни ҳокимиятини мустаҳкамлар ва нушибиларни иложсиз ҳолатга солиб қўйиши мумкин эди. Аммо, Хитойдан хоннинг бу талабига рад жавоби берилиши билан бирга Тўн Ябғу хоннинг дафн маросимига император Тай цзуннинг махсус элчилик тайёрлаши, Хитой императорининг сиёсий тўнтаришдан норозилиги ва Тўн Ябғу ва унинг тарафдорларига хайрихоҳ эканлигини кўрсатарди⁵³. Бу эса, нушибилар қудратини янада оширишга, дулуларга тарафдор бўлган майда қабилаларни ҳам ҳеч бўлмаганда сиёсий курашлар даврида бетараф туришга мажбур қиларди.

Дулулар тарафдори бўлган Сибирхонга қарши курашда нушибиларга Пойкент (Бухоро) улусини бошқарган Баға Жабғухоннинг ўғли Нишу Кан бошчилик қилди. Қўзғолончилар томонига Шили дэлэ (Тели тегин бўлса керак) қочиб ўтади. Бу қўзғолонга қонуний тус беради, яъни тахтга қонуний ўтириши лозим бўлган шахзода ноқонуний ўтирган ҳуқумдорга қарши кураш бошлаганини аниқларди. Шунингдек, уларни маблағ билан сўғд савдогарлари таъминлаши Сибирхоннинг тезда мағлуб бўлишига олиб келади. Шили Дэлэ ғалабадан сўнг, Ирбис Бўлин Жабғухон унвони билан тахтга ўтиради. Сибирхон Олтой тоғларига қочишга мувоффақ бўлсада, кейинчалик рақиблари нушибилар уни қўлга тушириб қатл этадилар. Аммо, Ирбис Бўлин Жабғухон нушиби қабилалари ишончини оқламади. Тарихий адабиётларда унинг ишончсиз киши бўлганлиги, шубҳакор ва золим эканлиги билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилади. Ҳатто уни тахтга

⁵² Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 284.

⁵³ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 222.

ўтқазган Нишу ҳам чақимлар натижасида қатл этилишдан қўрқиб, Қорашар (Шарқий Туркистондаги шаҳар)га қочиб кетади. Бу эса, нушиби қабила оқсоқолларини ғазаблантиради. Унга қарши Муби Тархон номли киши суиқасд уюштириши Ирбисни қочишга ва Амударёдан ўтиб Қундузда ҳукумронлик қилаётган жияни олдига кетишга мажбур бўлади. Бу ерда буддавийлик ибодатхонасини талаш даврида ҳалок бўлади⁵⁴.

Нушибилар Қорашарга қочиб кетган Нишу чақириб олиб уни тахтга ўтқаздилар. Бундан хулоса шуки, эндиликда Турк ҳоқонлигида давлат бошқаруви Ашина уруғларига эмас, балки сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли бўлган қабилалар, яъни нушибилар қўлига ўтганини англатарди. Л.Н Гумилёв маълумотларга қараганда, Нишу шимолий қабилалар дулуларни ҳам ўзига итоат эттириш, уларни ўзига мойил қилиш мақсадида Дулухон унвонини олган. Аммо, Н.Я. Бичуринда Дулухон унвонини унга Тан императори Тай цзун (Ли Ши мин) берган бўлиб, унинг тўлиқ номи “Тун-алэу Балиби Дулу хан” деб келтирилади. Ушбу хитойча атамани Э.Шавани талқинини ўрганиб, Л.Н. Гумилёв уни “Тўнг алп Силибир Дулу хон” тарзида таржима қилади⁵⁵.

Нишу Дулухон ўзини тахтга ўтқазган кучлар нима истагини билган ва шу сабабли қарвон йўлларида тинчлик ўрнатишга ҳаракат қиларди. Унинг даврида нушибиларнинг Ғарбий турк ҳоқонлигида устунлиги тўлиқ таъминланди. Вафотидан сўнг, қонуний равишда унинг укаси Ишбара Тўлис шод тахтга ўтиради. Унинг даврида дастлаб, Шарқий ҳоқонлик Бешбаликқа ҳужум қилганда, Ғарбий Турк ҳоқонлигига қарши кўзғолон кўтарган ва бунинг натижасида дулу ва нушиби жанжаллари келиб чиққанлиги боис кўзғолонни бошлаган киби қабиласига тазйиқ ўтказила бошланади. Бунинг

⁵⁴ Сюан Цзанда бу хусусда афсона келтирилиб, ибодатхонани қамал қилган Ирбисхон тушида Вайшраван фариштаси кириб, унга найза санчади. Тушидан қўрқиб уйғонган хон ортга чекинишга буйруқ берсада йўлда вафот этади. бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Сюань-цзан Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) / Сюань-цзан ; введ., пер. и коммент. Н.В. Александровой; Ин-т востоковедения РАН. - М. : Вост. лит., 2012. – С. 46. (- 463 с.: ил.)

⁵⁵ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 285., Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 230.

оқибатида эса, улар ўзлари яшаб турган Юлдуз воҳасини ташлаб, Тан империясининг Хэси деб номланувчи ўлкасига (634 й) кетиб қоладилар. Айрим тарихий адабиётларда уларни хайдаб юборилганлиги билан боғлиқ маълумотлар ҳам мавжуд⁵⁶.

Шу йили Ғарбий Турк ҳоқонлигидан ажаралиб кетган Жунғория ҳоқонликка қайта қўшилади. Бу эса, ҳоқонликни аввалги қудрати қайтганини англатарди. Аммо, эндиликда хон қўлида реал ҳокимият бўлмай, амалда у қабила оқсоқолларининг измига тушиб қолади. Дулу ва Нушиби қабилалари ташқи хавф бўлмаган, ўлжа олишнинг имкони йўқ пайтларда дарҳол ўзаро низоларга берилиб кетарди. Олий ҳокимиятни кучсизлантирувчи ислоҳотни ўтказиш ҳам айнан шу қабила иттифоқлари манфаатлари учун қилинган иш эди. 635 йилда ўтказилган ислоҳотга кўра, қабила иттифоқларининг олий бошлиқлари Ашина уруғидан эмас, шу уруғ-қабилалардан тайинланадиган бўлиб, уларга шод унвонини олиш имкони берилади. Дулу ва Нушиби иттифоқлари орасидаги чегара Чу дарёси бўлиб қолди⁵⁷. Эҳтимолки, Ишбара Тўлис шод вақтинча бўлсада давлат яхлитлиги сақлаб қолиш учун бу ислоҳотларга рози бўлгандир. Аммо, бу сиёсий курашларни янада кучайтириб юборганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди.

Аммо, ислоҳотлар ҳоқонликда янги ички курашларни келтириб чиқаради. Чунки, дулу ва нушибиларга берилган имтиёз қорлуқлар, яғмолар, кипчоқлар, басмаллар, чуюе, чуми ва шатоларга берилмаган бўлиб, бу қабилалар ўзларини камситилган, деб ҳисоблар эдилар. Бу эса, хон обрўсининг тушиб кетиши ва ушбу қабилаларнинг ҳам ҳокимият учун кураш бошлашига сабаб бўлади. Ғарбий Турк ҳоқонлиги шу пайтгача, Шарқий Туркистондаги Гаочан беклиги билан иттифоқда бўлиб, Ишбара Тўлис шоднинг Қорашар билан иттифоқ тузиши ҳокимият тақсимоотида ўзларини

⁵⁶ Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край: Исторических очерк этих стран в истории с связи Средней Азии. Т-II. – Ленинград, 1926. – С. 257.

⁵⁷ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 232.

камситилган деб ҳисоблаган чуюе ва чуми қабилаларининг Гаочан билан иттифокликда Қорашарга хужум қилишига баҳона бўлади. Уларнинг етакчиси Йўқиқ шод бўлиб, 638 йилда улар амалда ҳукумрон бўлган нушибилар билан кураш бошлайдилар. Шу вазиятда Тун-тудун бошчилигида ҳам Тўлис шодга қарши исён бошланади. Тун-тудуннинг таклифи билан тахтга Йўқиқ шод таклиф этилади. Нушибилар ҳам оғир аҳволда қолган бўлса керак. Чунки, нушибилар оқсоқоли Ассиқ Қул сиғин музокараларда киритган таклиф бунга яққол гувоҳлик беради. Унинг таклифига кўра, Йўқиқ олий ва Ишбара кичик хон бўлиши лозим эди. Аммо, музокарлар тугамасдан кўзғолончилар тарафдори бўлган Тун-тудун сирли равишда ўлдирилади⁵⁸.

Нушибилар Ишбара Тўлис шодни Қорашардан тахтга қайта чиқиш учун чақирган бўлсалар, Фарбдаги дулулар Йўқуқ шодни тахтга чорлайди. Улар Йўқуққа Ирбис Дулухон унвонини ҳам тайёрлаб қўядилар. Тарихий адабиётларда Йўқуқ ва Ишбара ўртасида курашдан кейин сулҳга кўра, Фарбий Турк ҳоқонлиги иккига бўлиниб, улар ўртасидаги чегара Или дарёси бўлиб қолади. Аммо, ўша йилда (639 йил) Ишбара Тўлис шодга қарши фитна уюштирилади. Л.Н. Гумилёв фитгана бош бўлганларнинг тудун ва силефа унвонларга эга эканлигини таъкидлаб, уларнинг етакчилари туркий аслзодалардан деб ҳисоблайди. Қочиб кетган Ишбара Тўлис шод Фарғонада 639 йил декабрда вафот этади⁵⁹.

Нушиби оқсоқоллари Ирбис Ишбара шоднинг ўғли Илкулуг шод Ирбисни хон қилиб кўтарадилар. Аммо, у тезда вафот этгач, унинг ўрнига амакиваччаси бўлган Баҳодир Ирбис Ишбара жабғухонни тахтга ўтказадилар. Тарихий адабиётларда ушбу хон қўл остидаги ерлар сифатида Куча, Шаншан (Лобнор кўли жануби), Гўймо (Хўтан), Тохаристон, Қорашар, Шош, Кеш, Хэ (Зарафшон воҳаси) Амул ва Кан (Самарқанд) худудлари кирганлиги келтириб ўтилган. Аммо, ҳоқонликни бирлаштириш ва карвон

⁵⁸ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-II. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 295.

⁵⁹ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 235.

йўлларида хавфсизликни ўрнатишни истовчилар кучайиб, улар сафини бу сафар Чу ва Или бўйларида яшовчи дулу қабиласи вакиллари тўлдирган. 641 йилда дулу, чуюе, чуми, басмаллар ва бошқа қабилалардан иборат кўшинларга таяниб, нушибилар қўллаб-қувватлаган Ирбис Ишбара жабғуни енгади. Ҳоконлик шу тарика қайта бирлаштирилади⁶⁰. Бу эса, ўзаро манфаат йўлида дулу ва нушибиларнинг бирлашганлигини кўрсатиб беради.

Йўқуқнинг бирлаштирувчилик сиёсати натижасида, 641 йилга келиб, унинг қўл остидаги ҳудудларга Или дарёси ҳудудларидан тортиб, Сибиргача бўлган ерлар тўпланди. Ўн ўқ эл билан бир қаторда ушбу ҳудудларда басмаллар, қипчоқлар, қирғизлар, бома ва бошқа бир қатор қабилалар яшаган. Буларнинг барчасига ҳокон чуюе ва чуми қабилалари томонидан қўллаб-қувватланиш эвазига эриша олган. Улар эса, дулулар билан иттифокда азалий рақидлари нушибилар устидан ғалаба қозонгандилар. Аммо, тарихий адабиётларда бой сўғд ҳудудларини эгаллаш учун келаётган Йўқуқ ва унинг аскарларига қарши нушибилар ҳам муносиб қаршилик кўрсатганликлари ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Улар ҳалок бўлган хоннинг набираси Ирбис Шегуйни хон қилиб кўтардилар. Йўқуқ аскарлари сўғдни кесиб ўтиб Тохаристонни бўйсундирган бўлсада, унга бўйин эгмаган Ғарбда Сўғдиёна ва Шарқда иссиққўл атрофида ўрнашган нушибилар ҳали қаршиликни давом эттираётганди. 642 йилда Йўқуқ чуюе ва чумилардан иборат икки минг сараланган аскарарни нушибилар билан иттифокда бўлган Хами воҳасини талашга юборади. Бу ерлар ўзаро курашлар авж олган бир вақтда Хитой тасарруфига ўтган бўлиб, хитойлик аскарлар Йўқуқ юборган аскарларни тумтарақай қилиб қувиб юбордилар. Кўрилган талафотдан айниқса чумилар улуши катта бўлганлиги манбаларда келтириб ўтилади. Йўқуқнинг ўзи бу пайтда Самарқанд ва Маймурғни талашга бош бўлган бўлиб, бу шаҳарларни талон-тарож этади. Тўпланган ўлжа

⁶⁰ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 236.

тақсимотида эса, дулу оқсоқоллари билан жанжал чиқиши унинг салтанати инқирозини бошлаб берган кўринади⁶¹.

Ўлжа тақсимотидаги ва ўрдадаги вазиятни ўз қўлига олишга уринган Йўқуқ жанжал сабабчиси бўлган дулу оқсоқолларидан бири Нишу чурни дорга тортганлиги хусусида Л.Н. Гумилёв келтириб ўтган. оқсоқолнинг қатл этилиши, дулуларнинг исёнига сабаб бўлади. Йўқуқ оғир аҳволда қолган бўлиб, унинг чекинадиган ери деярли қолмаганди. Доимий иттифоқчиси Гаочанга чекинишнинг иложи йўқ бўлиб, уни 640 йилда Тан империяси истило қилганди. Ғарбий турк ҳоконлиги эса, дулу ва нушиби рақобати даврида бунга қаршилик кўрсата олмаган эди. Хитой тарихий адабиётларида Йўқуқ Байшунху қалъаси (Исфижоб, Чимкентдан шарқроқда)да қамалда қолгач, нушибилар Хитой билан сулҳ тузиш мақсадида Тан империясига элчи юборганлар. Шунингдек, шу вақтгача асир олинган хитойликлар юртига қайтарилган. Янги сайланган Ирбис Шегуйхон учун хитой маликаси хотинликка сўралган. Йўқуқ эса, дулу қабилаларни қайтаришга уринсада улар қайтмагач, Тохаристонга ёриб ўтишга ва у ерда Қундуз ваҳасида ўтроқлашган туркутлар ёнига кетишга мажбур бўлади. Қундузда ҳукумдор Ишбара жабғу бўлиб ўз қариндошини яхши кутиб олган ва бу ерда Йўқуқ 693 йилгача умрининг охиригача тинч яшайди⁶².

Қисқа муддат Ғарбий турк ҳоконлигида тинчлик ўрнатилади. Вазият яна аввалги даражага қайтарилади. Нушибилар ҳоконликда яна устун мавқега, ўзлари учун иқтисодий ва сиёсий жихатдан маъқул бўлган позицияга эриша олганлар. Дулу қабилалари эса, Хитой императори нушибиларни қўллаб-қувватлар экан мазкур вазиятга чидашга мажбур эдилар. Умумман олганда халқаро савдода муҳим ўрин тутган сўғд кентлари ҳам ушбу вазиятдан рози бўлиб аслини олганда бу вазият уларнинг талаби ва

⁶¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 287.

⁶² Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 288.

иктисодий жихатдан нушибиларни кўллаб-қувватлаш эвазига амалга оширилган эди. Тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда, вазиятнинг яна чигаллашиши кўп куттирмаган. 646 йилда Ирбис Шегуйхон Тан сулоласи маликаси билан никоҳдан ўтиш ва иттифоқни мустаҳкамлаш учун империя пойтахти Чанъанга ўз элчиларини жўнатади. Император маликанинг қалини сифатида, Куча, Қошғар, Хўтан ва бошқа бир қатор Шарқий Туркистон ўлкаларини беришни сўрайди. Л.Н. Гумилёв келтирган маълумотларга қараганда, Куча, Қошғар, Хўтан ва Ёркент 630-635 йилларда Хитой тасарруфига ўтган, аммо, Ирбис Шегуйхон бу ўлкаларни яна Ғарбий ҳоконлик таркибига тезда қўшиб олганди⁶³. Бу эса, яна Тан империяси билан рақобатчиликни келтириб чиқариши табиий ҳол эди. Иккинчи бир томондан эса, ҳоконлик билан курашиш учун дулу нушиби рақобатини келтириб чиқаришга асос бўлиб хизмат қиларди.

Ирбис Шегуйхон Тан билан музокараларни тўхтанган кўринади. Ёки икки ўртада келишмовчиликларни ўз фойдасига ҳал қилиш учун император дулулар томонга ён босган кўринади. Дулу қабилалари исён кўтариб, Истамихон наслидан бўлган ва Бўри шоднинг ўғли Ашина Хэлу кўзғолонга бош бўлади. Бу тахт учун курашда дулулар томонидан илгари сурилган камдан-кам қонуний тахт ворисларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ашина Хэлу ҳақида фикр билдириб, таниқли олим Л.Н. Гумилёв бу ном унинг асл номи эмас, унинг номи сақланиб қолинмаган, Хэлу унинг лақаби бўлиши керак дейди. Ҳақиқатдан ҳам, ашина бу уруғ номи бўлиб, Хэлу туркча Хелли сўзининг хитой тилидаги талафузи деб маълумот беради. Хелли сўзи эса, туркий тилда “баланд кўтарилган” деган маънони англатган дегн фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтади. Айрим матнларда эса, Халлиғ тарзида келтириб ўтилганлигининг ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунингдек, Ашина Хэлуга ёрдам берган яна икки Ашина уруғ аслзодалари бўлган Ашина

⁶³ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 239.

Мише⁶⁴ ва Ашина Бучжен ҳақида ҳам шундай фикр билдириб, Бучженни “Ҳақиқат йўлидаги чақимчи” тарзида таржима қилган⁶⁵.

Қўзғолончиларнинг мағлубиятга учрашига сабаблар эса, Бучженнинг чақимчилиги ва сотқинлиги, исёнчиларнинг аниқ дастури бўлмаганлигида ва уларни бирлаштирувчи кучнинг йўқлигида деб қараш лозим. Чунки Хитойнинг қўллаб-қувватлаб туриши даштда сиёсий вазиятни ўзгартиришга қодир бўлиб, тортиқ сифатида юбориладиган совғалардан қуруқ қолмаслик учун қабила оқсоқоллари рақиб томонга ўтиб кетишлари тез-тез такрорланиб турарди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Хитой тортиқларига қарши Сўғд тангалари бу ерда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўринади. Ашина Хэлу тез орада Ирбис Шегуй хон қўшинларидан мағлубиятга учраб яширинишга мажбур бўлади. Аммо, дулуларнинг уч нафар оқсоқоли Ирбис шегуйхондан қўзғолончи Ашина Хэлуни ауф этишни сўраши ва хоннинг рад жавоби дулулар томонидан янги қўзғолон кўтаришга туртки бўлган. Ирбис Шегуйхон уларни таклифини рад этгач, уч қабила етакчилари (Шушеди, чумугин, поби қабила оқсоқоллари) қўзғолон қилиб, ўзларига Ашина Хэлуни йўлбошчи сайлайдилар. Ирбис Шегуйхон билан қураша олмасликлари сезилгач, Шарққа кетиб, бу ерда 648 йилда Тан империясига таслим бўладилар⁶⁶. Улар Хитойда ўзлари учун қулай бўлган вақтни кутиб туришга мажбур бўладилар. Эндиликда Ғарбий турк ҳоконлигида нушибиларни ҳукумронлигининг ҳам тугаши ва дулу, нушиби қабилаларининг тарих саҳнасидан тушиб бошқа халқлар таркибига сингиб кетиш жараёни бошланади.

⁶⁴ Ашина Мишенинг кейинги тақдирида ҳам Ашина Бучжен фожеага сабаб бўлади. Ашина хэлу асир олингач, тан империяси унинг улусини бу икки кўғирчоқ хонга бўлиб берган. Аммо, Ашина Бучжен “хиёнат қилиш ниятида” эканлигини Хитой саркардаси Су Хай чженга етказди. 659 йилда Ғарбий турк ҳокон Чжэньчжу билан бороталдаги урушда ўзини кўрсатганига қарамай, Хитой саркардаги уни хийла билан император юборган тухфани олишга қароргоҳига чақириб, у ва хамроҳларини бошини танасидан жудо қилади. Бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирски: Наука, 1981. – С. 196.

⁶⁵ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 239.

⁶⁶ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-1. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 289.

Хулоса қилиб айтганда, Ғарбий турк ҳоқонлигининг иқтисодий қудрати бу Сўғдиёна ўлкаси бўлиб, иқтисодий ва сиёсий курашларда қайси қабила иттифоқи бу ўлкада ҳуқумронлик қилса, унинг қудрати ҳам шунга яраша бўларди. Айнан Сўғдиёна ва савдодан келадиган фойда учун курашлар дулу ва нушуби иттифоқларини Турк ҳоқонлигидаги қудратини белгилаб берди. Охир-оқибатда эса, Ғарбий турк ҳоқонлигини қулашига ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, ҳоқонлик қулаши билан ушбу қабилаларнинг ўзларини ҳам этник жиҳатдан турли халқлар таркибига сингиб кетганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотларда учрайди.

II.2. Дулу ва нушиби қабилаларининг тарихий тақдири

Нушиби иттифоқи ғалабасидан сўнг, ҳоқонликдан қочиб кетган бўлсаларда Чуюе ва чуми қабилалари юртларига қайтиш ва ўч олиш ниятларидан қайтмаганлар. Уларнинг етакчиси Ашина Хэлу ҳам Тан империясига хизмат қилиб, мансаб поғоналаридан юқорилай бошлайди. Тинчжоу (Бешбалиқ) ҳарбий горнизони бошлиғи бўлгандан сўнг, Турфонни озод қилиш фитнаси баҳонасида уни ўғлини Пойтахтга чақириб оладилар. Гаровдан қайтиб келган ўғли Теин билан биргаликда 650 йилда империяни ташлаб Ғарбга, ҳоқонликни тиклаш учун кураш бошлайди⁶⁷. Эҳтимолки, Ашина Хэлу Турк ҳоқонлигини қайта тиклашга ҳаракатни Шарқий Туркистондан бошлашга уринган кўринади.

Тан империяси билан алоқаларини, яъни Хитойга хизмат қилишни Ашина Хэлу тарихий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, 650 йилда узган. У чуюе ва чумилар билан биргаликда тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, собиқ дулу ерларини эгаллаб олишга мувоффақ бўлади. Хитой тарихига бағишланган адабиётларда унинг ўрдаси Боратол (Шуан Хэ) ва Мингбулоқ (Цянь цюань) дарёлари оралиғида деб келтирилади. Тан кўшинларидан 657 йилда мағлубиятга учрагандан сўнг, асир олиниб Хитойда вафотига қадар 659 йилга қадар тутқинликда яшаганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁶⁸. Аммо, бу ҳақда қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Даштга қочишга мувоффақ бўлган Ашина Хэлу 651 йилда ўзини аввалги Дулухонга тегишли бўлган ерларда ҳокимиятини ўрнатишга мувоффақ бўлади. Ғарбий Турк ҳоқонлиги Тахтга Ишбара (хитойча Шаболо Хэлу) номи билан ўтиради. Ирбис Шегуйхон бу даврда нушибилар томонидан ҳам ташлаб кетилган бўлиб, ёлғизланиб қолган Ирбис Шегуйхон қўлга олиниб

⁶⁷ Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край: Исторических очерк этих стран в истории с связи Средней Азии. Т-II. – Ленинград, 1926. – С. 262-263.

⁶⁸ Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирски: Наука, 1981. – С. 179-180.

катл этилади. Унинг вориси эса, ҳам дулу ва ҳам нушубилар қўллаб-кувватлашидан маҳрум бўлганди. У ноилож Ғарбга қочиб бориб, хазар ҳоконлигига асос солади. Бу ерда ҳоконлик сиёсий ҳаётида фаол иштирок этамган хазарлар уни ўзларига етакчи қилиб сайлайдилар. Худди шу пайтдан бошлаб Хазар ҳоконлиги Ғарбий ҳоконликдан ажралиб чиқади. Ўн ўқ элнинг хазарларни ҳоконлик таркибига киритиш учун имконияти ҳам вақти ҳам йўқ эди⁶⁹.

Ишбарахон ўн ўқ элга улар орзу қилган нарсани, яъни ички тинчлик ва ташқи урушни беради. Бундан у дулу ва нушибиларни келиштира олган деб хулоса қилиш мумкин. Чунки Ишбарахонни шу пайтгача дулулар қўллаб-кувватлаб келган бўлса, эндиликда нушибилар ҳам унга итоат эта бошлаганликлари бундай хулосага келишимизга асос бўла олади. Аммо, барибир ҳоконликда норози қабилалар етарлича топилади. Ўзлари етакчи бўлиш ниятида бўлган чуюе ва чуми қабилалари ҳатто энг оғир дамда ҳам Ишбарахонни ташлаб кетмаганликлари ва ҳокимиятни ўзларининг қудратлари орқали олиб берганликлари, бунинг эвазига ҳеч нарса олмаганликлари учун ўзларини камситилган деб ҳисоблардилар. Ишбарахон уларни ҳам ўзига садоқатини сақлаб қолиш мақсадида, ушбу қабилаларнинг азалий ерлари бўлган ва Хитой томонидан босиб олган ҳудудларни қайтариб олиб беришга уринади. Қўқисдан ҳужум қилиниб Тинчжоу қалъаси эгалланади. Шу тариқа ушбу қабилалар ҳам унинг итоатига ўтади. Аммо, бу Тан империяси билан курашни бошланишига сабаб бўлади. 652 йили 20 минг Тан аскарлари Лан Гян-фань қўмондонлигида ва телеларнинг 50 минг кишилиқ қўшинлари Киби Хэли бошчилигида Ишбарахон устига юриш бошлайдилар⁷⁰.

Ҳарбий режа аниқ бўлиб, асосий зарба Ишбарахонни қўллаб-кувватлаётган дулу ва нушибиларга қаратилган эди. Режага кўра, озиқ-овқат

⁶⁹ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 259.

⁷⁰ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-І. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 290.

захираларини етарли тўпланмаган Ишбарахон қисиб қўйилиши, Ғарбий Турк ҳоконлигини асосини ташкил этувчи ўн ўқ эл (дулу ва нушиби) иттифоқини тор-мор келтириш эди. Аммо, уруш ҳаракатлари хитойликларга кутилган натижани бермайди. 652 йилда чуюе ва чумилар тор-мор келтирилади, 653 йилда эса, Бешбалиқ шаҳри эгалланади. 654 йилда эса, қорлуқлар билан хитойликлар ўртасида бўлган жангда 10 минг от олиб кетилиши билан тугайди. Шу йили чумукин қабиласи мағлуб этилади. Аммо, Ишбарахон бу вақтда ўзининг жанубий-ғарбий чегараларида бўлганлиги сабабли хитой аскарлари мувофақият қозонадилар. Чунки, жанубда турклар учун янги хавф араблар пайдо бўлганди⁷¹.

Араблар Эрон шоҳи Яздигирдни мағлуб этгандан сўнг Марвга қочган Эрон шоҳига марзбон (вилоят ҳокими) Махуй сур суиқасд уюштиради. Унинг чақириғига биноан Сўғдда ўрнашган нушиби оқсоқолларидан бири бўлган Бижан тархон Эрон шоҳи устига бостириб боради. Шоҳ қутилиб қолсада, яширинган вақтда тегирмончи томонидан ўлдирилади. Махуй айбни туркларга тўнкаб, шоҳ ўзига тож ва узукни васият қилиб қолдирганини эълон қилади. Аммо, Фирдавсийда Бижан самарқанд ҳокими ва Яздигирдга қилинган суиқасд Марв шаҳрида эмас Тус шаҳрида содир бўлиб ўтганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁷².

Махуй Сури вазиятдан унимли фойдаланиш мақсадида Хитой билан ҳоконлик ўртасида уруш келиб чиқиши билан ўз қўл остидаги ерларга Хуросон, Тохаристон ва Сўғдни қўшиб олмоқчи бўлади. Бу унга у қадар қийин кўринмаган бўлса керак. Чунки, Сўғдда нушибилар Хитой билан сулҳ тузилишидан манфаатдор, савдогарлар тинчлик ва фойда берадиган ҳар қандай ҳукумдорни қўллаб-қувватлардилар. Дулулар билан рақобатчи

⁷¹ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 260.

⁷² Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: дастон/Абулқосим Фирдавсий; форсийдан Ш. Шомухаммедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 712.

нушибилар эса, унга хайрихоҳ бўлиши мумкинлиги Махуй Сурунинг йирик давлат тузишга уринишига сабаб бўлган бўлса керак. Махуй сури билан биринчи жангдаёқ у асир олиниб қатл этилади. 656 йилда ўн ўқ элнинг Хуросонга юриши қолдирилиб, шарқий чегарадаги мувознатни тиклаш учун ғарбга кетишга мажбур бўлади⁷³.

Тохаристонга қочиб кетган Йўқуқнинг ўғли Чженчу ябғу ҳам Хитой томонидан урушга кириб кўзғолонга қўшилади. У келажакда Ғарбий турк ҳоқони бўлиш учун кураш бошлаб, бунинг учун нушиби қабиласи оксоқолларини ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилган. Ҳақиқатдан ҳам уни кам сонли бўлсада нушибиларнинг айрим оксоқоллари қўллаб-қувватлаган. Чженчу ўзининг жабғу унвонини Сибир тардушшод деб ўзгартиради ва Хитойга мадад сўраб элчилик юборади. Аммо, Хитой элчилари унинг олдига етиб боролмаган ва аниқланишича унга эътибор беришга арзийдиган кучга ҳам эга эмас экан мазмундаги императорга юборилган ҳисобот билан Хитой мададидан маҳрум бўлиб қолади. У ўз улусига қайтишга ва унвонидан вос кечишга мажбур бўлади. Л.Н. Гумилёнинг ёзишича кейинчалик, яъни 659 йили у Хитойнинг душманига айланган⁷⁴.

Хитой манбаларида Сянь-цин эрасининг иккинчи йилида (20.1.657 - 7.11.658 йй) Тан генерали Су Динфаннинг Турк ҳоқонлиги парчаланишига карамай Хитойга бўйсунмаган Ашина уруғи етакчиларидан бўлган Ашина Хэлу устига уйғурлар етакчиси Пожун ёрдамида қилган ҳарбий юриши ҳақида маълумот берилиб, Цзиньшань (Олтой тоғи) тоғи шимолида чумукунь қабила яшаши ва бу қабилага уйғурлар зарба берганлиги, бу қабила эркини Ланьдулу 10 мингдан ортиқ хонадони билан таслим бўлганлиги, Хэлу эса, хулуу қабилаи етакчиси кюль-чур, шэшэти қабиласи етакчиси чупан-чур, шуниши қабиласи етакчисикюль-чур, чумукин ва беш нушиби қабилалари

⁷³ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б. 262.

⁷⁴ Очерки истории Китая с древности до “опиумных войн” (под ред. Шан Юэ. Пер. с китайского под ред. Л. И. Думана и А. М. Филиппова. – МЮ: Изд. Вост. лит., 1959, - С. 263.

билан биргаликда 100 минг кишилик қўшинга бош бўлиб қаршиликни давом эттирган. (Албатта қўшин сони атайин бўрттириб кўрсатилган) Аммо, бу қабилаларнинг барчаси таслим бўлиб, Ашина Хэлу бир неча юз чумукин қабиласининг аскарлари ва етакчиси кюль-чур билан биргаликда ғарб томонга қочади⁷⁵. Эҳтимол, Чумукинларнинг азалий ҳудудлари Еттисув ўлкаси бўлганлиги боис бу ҳудудларга хитой таъсири етиб кела олмайди деган сабаб билан чекинган бўлиши эҳтимоли кучли. Иккинчи бир томондан Дулу ва Нушиби қабилаларининг ташқи душманга биргаликда курашганликлари ҳам диққатга сазовордир.

Ашина Хэлунинг мағлубияти аниқ ва зарурий бўлган жараён бўлиб, Ғарбий Турк ҳоконлигида дулу ва нушиби қабилаларининг сиёсий курашлари унинг ҳокимият тепасига келиши ва умумий душманга қарши кураш жараёнидагина тўхтагани. Биринчи мағлубият бу қабилалар иттифоқини бузилишига сабаб бўлди. Бунгача, Тан сулоласи ушбу қабилалар устига юборган Лян Цзяньфана, Циби Хэли, Чэн Чжицзе ва бошқа лашкарбошилар мағлубиятга учратилганда қабила иттифоқи бузилмагани. Чунки ўлжа ва бойлик тақсимоти уларни ягона мақсад учун бирлаштирган. Хэлу мағлубиятидан сўнг, Тан империяси таслим бўлганларни Хитой шимолидаги ерларда туманларга бўлиб жойлаштирган. Аммо, Хитой манбаларида дулулар учун тузилган уездлар тилга олиниб, нушибилар тилга олинмаслиги, нушибиларнинг асосий ҳудудлари Ўрта Осиё эканлиги билан боғлиқдир. Хитойликлар эса, бўйунсунган қабилалар учун қўғирчок хонликлар ташкил этганлар⁷⁶.

Ашина Хэлу асир олинган, унинг ерларида (Аниқроғи унга бўйинсунган қабилалар учун) саккизта округлар тузилади. Ашина Хэлу таслим бўлсада, амалда ўз мустақиллигича қолаверади. Хитой давлати вассалига айланиш

⁷⁵ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. - С. 39.

⁷⁶ Малявкин А.Г. Марионетки из рода Ашина // Восточный Туркестан и Средняя Азия. - М.: Наука, 1984. - С. 135 - 155.

умуман олганда ўша даврларда мағлаб бўлган томон учун ватқдан ютиш ва ўзига қулай вазият келгунча Тан (Хитой) билан иттифоқчилик қилиш шаклида бўлган. Хитойликлар учун эса бу курашлар ҳоконликни кучсизлантириш ва уларни емирилишида замин ҳозирлаши учун керак эди. Шунинг учун хитойликлар кўпроқ кучсиз ва ҳокимиятга интилаётган сотқин кишиларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилганлар. Ашина Хэлу мағлубиятга учрагандан сўнг унинг қўл остидаги ерларда жумладан чумугунлар яшаган ҳудудларда дуду Фуянь округи, туркашларнинг Бага қабиласи ерларида дуду Улу, алиши қабиласи ҳудудида дуду Цзешань, Хулуу қабиласи (етакчилари кул-чур) ерларида дуду Яньпо, Шэшэти қабиласи (етакчиси тон-чур) дуду Шуанхэ, Шуниши қабиласи ерларида дуду Инсо бошқарув марказлари тузилганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁷⁷.

Ашина Хэлу асир олингандан сўнг, амалда мустақил Ғарбий турк ҳоконлиги тугайди. Тарихий адабиётларда унга бўйсунган ерларда тузилган ўлкалар ҳақида маълумотлар келтирилиб, Инсон бошқарув ўлкаси Тянь-Шаннинг жанубий ёнбағирларидаги Юлдуз водийси эканлиги, Шуанхэ ва Яньпо ўлкалари Тянь-Шандан шимолдаги Манас шаҳарчаси ва Боратол дарёси ҳавзаси атрофларида эканлиги, Фуянь бошқарув ўлкаси эса, Эмель дарёси воҳасидан шимолдаги ерларда бўлганлиги, туркашлар учун тузилган икки бошқарув ўлкаси Улу ва Цзешань Или дарёси водийсида эканлиги келтириб ўтилади⁷⁸. Кўриниб турибдики, Ашина Хэлуга бўйсунган қабилалар учун сакизта эмас олти бошқарув ўлкалари жорий қилинган. Аммо, туркашлар учун тузилган бошқарув ўлкалари Тан империясига бўйсунмаган бўлса керак. Чунки, Ғарбий ҳоконликни қулашидан манфаатдор бўлган туркашлар мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўзлари Тан империяси билан кураш бошлаганлари ҳақидаги маълумотларни тарихий

⁷⁷ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. - С. 37-38.

⁷⁸ Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). - Новосибирски: Наука, 1981. - С. 138-155.

адабиётларда кўплаб учратиш мумкин. Аммо, бу умуман бошқа мавзу бўлгани боис бу хусусда тўхталиб ўтирмаймиз.

Ашина Хэлу мағлубиятидан сўнг таслим бўлган ўн ўқ эл учун тузилган ноибликларга Тан империяси хизматиغا ўтган оқсоқоллар тайинланди. Дулуларни бошқариш учун Ашина Мише, нушибиларга етакчилик қилиш учун эса, Ашина Бучжен зиммасига юклатилди. Уларнинг ҳар бирига Тан империяси элчиси лавозимида фаолият олиб борувчи Лу Ченкин мукофот билан бир қаторда 100 минг ўрамни ўз ичига олувчи ипак беради⁷⁹.

Аммо, ашина Хэлу мағлубиятига сабаб бўлган ва сотқин Ашина Бучжен фитнаси сабабли хитойликлар фитна қилишда гумон қилиниб, Ашина Мише ва унинг тарафдорларини қатл этилади. иши унга итоат этган дулу қабилаларини ғазаблантиради. Улар 664 йилдаёқ Хитойга қарши исён кўтардилар. Аммо, ёлғиз кураш олиб бора олмасликлари сабабли, чекиниб, жанубга Тибет билан яқинлашишади ва бу келажакда кучлар нисбатини тубдан ўзгариб кетишига хизмат қилганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади⁸⁰.

Ашина Юанкин шод 679-693 йилларда Ғарбий Турк хоқонлигини идора этган. Ундан кейин Ғарбир турк хоқони эса Ашина Хушелло шод 693-704 йилларда ҳукмрон эди. У Бучженнинг ўғли бўлган. Бучжен эса нушибилар етакчиси эди. У ҳам отаси сингари Тан сулоласи томонидан тайинланган кўғирчоқ ҳукумдор эди. Шу билан бирга Хитой тарихий адабиётларида дулу ва нушиби қабилалари хусусида маълумотлар умуман учрамайди. Дулу ва Нушибилар хусусидаги маълумотлар ўрта асрлар давомида аста-секинлик билан йўқолиб борган. Қултегин битигтошида “Буқарақ улус будун”дан 732 йилда Кўк Туркларга элчи келганлиги таъкидлаб ўтилган бўлиб, таниқли олим С.Г. Кляшторний ушбу элчиликни

⁷⁹ Очерки истории Китая с древности до “опиумных войн” (под ред. Шан Юэ. Пер. с китайского под ред. Л. И. Думана и А. М. Филиппова. – МЮ: Изд. Вост. лит., 1959, - С. 123.

⁸⁰ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-1. – Москва-Ленинград, 1950. – С. 393.

Еттисувга кўчиб келган Ҳамукат (Жамукат)дагилар юборган дейди. Жамукат харобалари ҳозирда тароз шаҳридан 15 км узоқликдаги тарас дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳизирги Қирғизистонда жойлашган⁸¹.

X-XI асрлар чегарасида дулу ва нушиби қабилалар иттифоқига қирган уруғлар ҳақидаги маълумотлар тобора камайиб боради. Аммо, уларнинг айримлари хусусида Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида маълумотлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан жамук ва басмал қабилалари ҳақида уларнинг фикри бир, ўтмизда яқин муносабатда бўлганлиги, тили ва урф-одатларида фарқлар жуда камлиги, ўтмишда қудратли ва кучли қабилалар бўлганлиги билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтганини кўришимиз мумкин⁸².

Тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда, дулу ва нушиби қабилалари вакиллари орасидан ислом дини кириб келгандан сўнг дин пешволари, йирик олимлар ва таниқли кишилар етишиб чиққанлиги билан боғлиқ маълумотларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, IX асрда Бухоро яқинидаги Дахфандун қишлоғида ҳадисшунос Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Ханжа ал-Дахфандуний (вафоти 886/87 йил) яшаган бўлиб, унинг лақаби жамук бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Нишопурда эса, Абу Йақуб Йусуф ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Жамук ал-Марвазий (вафоти 908 йил) номли исломшунос олим, Самарқандда эса, Абу Муҳаммад Бакр ибн Аҳмад ибн Саид ибн Жаҳм ас-Самарқандий деган олим бўлиб, унинг лақаби Жамукад бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар сақланган. Шунингдек, Балх вилоятида Дастажирд Жамукийан қишлоғи ва пули жамукийан номли кўприк бўлганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотларда қайд этилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу уруғ вакилларининг илк ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро, Кушония,

⁸¹ Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 126-132.

⁸² Қошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғатит турк)/С.М. Муталлибов таржимаси. Уч томлик. Том I. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. – Б. 496.

Иштихон, Кеш, Нахшаб, Устришона ва Чочда ҳукумронлик қилган ⁸³.
Тарихий адабиётларда келтирилган ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики дулу ва нушиби иттифоқига кирувчи қабилаларнинг ўзбек халқи этногенезида муҳим ўрин тутган деб хулоса қилишимиз учун барча асослар етарли.

Хулоса қилиб айтганда, Турк ҳоқонлиги тузилиши билан вужудга келган ва қудратли бўлган дулу ва нушиби икки қабилалар иттифоқи ҳоқонлик мавжуд бўлиб турган вақтларда унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этдилар. Аммо, ушбу қабилалар ўртасидаги ҳокимият учун курашлар Турк ҳоқонлигининг ва ҳатто, ўзларининг ҳалокати билан тугади. 660 йилда Ғарбий турк ҳоқонлигининг Хитойга тобе этилиши билан дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар камайиб, аста-секин уларнинг бошқа халқлар таркибига сингиб кета бошлаганини кўришимиз мумкин. X-XI асрлардан сўнг эса, бу қабилалар иттифоқлари ҳақида тарихий адабиётларда маълумотлар учрамайди. Аммо, ушбу қабилалар иттифоқлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни беқиёс эканлигини унитмаслигимиз, бу борадаги тадқиқотларни янада ривожлантиришимиз бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.

⁸³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археологи-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. – Т.: SMI-ASIA, 2011. – С. 128.

Хулоса

Дулу ва Нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар хитой, эрон, византия ва араб манбаларида тилга олинган бўлиб, келтирилган маълумотлар орасида дулу қабила иттифоқига оидлари нушибиларга нисбатан анча кўпроқ салмоққа эга эканлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби, дулу қабилаларининг нушиби қабилаларига қарши курашлари ва уларнинг Хитой билан алоқалари деб асослаш ўринли бўларди. Шунингдек, нушибилар асосан Сўғдиёна ҳудудлари билан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яқин бўлганлиги ва араблар босқини даврида сўғд ёзма ёдгорликларининг йўқ қилиниши натижасида нушибиларга оид маълумотлар деярли йўқолиб кетган деб хулоса қилиш мумкин.

Ғарбий Турк ҳоконлигида дулу ва нушиби қабила иттифоқлари унинг ташкил этилиш жараёнидаёқ мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хитой манбаларида эса, уларнинг нисбатан кейинги даврларда ташкил этилганлиги билан боғлиқ маълумотлар ҳоконликда сиёсий курашларнинг кескинлашгани ва марказий ҳокимият кучсизланиб, уруғ-қабила етакчиларининг мавқеи ўсиб борган жараёнларда хитойликларнинг ички курашлардан фойдаланиб, Турк ҳоконлигини емириш мақсадида улар билан ўзаро келишиб, аниқроғи фитналар уюштириш жараёнида тасаввурга эга бўлганлар. Шунингдек, нушиби қабила иттифоқидан кўра, дулу қабилалари ҳақида маълумотларнинг кўпроқ учраши дулуларнинг хитойликлар билан ҳамкорликда рақиблари нушибиларга қилинган исёнлар натижаси ва ўзаро муносабатларнинг хоҳ яширин, хоҳ ошқора бўлсин кўпроқ бўлганлигида деб ҳисолаймиз.

Ғарбий турк ҳоконлигининг иқтисодий қудрати бу Сўғдиёна ўлкаси бўлиб, иқтисодий ва сиёсий курашларда қайси қабила иттифоқи бу ўлкада ҳукумронлик қилса, унинг қудрати ҳам шунга яраша бўларди. Айнан Сўғдиёна ва савдодан келадиган фойда учун курашлар дулу ва нушиби иттифоқларини Турк ҳоконлигидаги қудратини белгилаб берди. Охир-

оқибатда эса, Ғарбий турк ҳоқонлигини қулашига ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, ҳоқонлик қулаши билан ушбу қабилаларнинг ўзларини ҳам этник жиҳатдан турли халқлар таркибига сингиб кетганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотларда учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Турк ҳоқонлиги тузилиши билан вужудга келган ва қудратли бўлган дулу ва нушиби икки қабилалар иттифоқи ҳоқонлик мавжуд бўлиб турган вақтларда унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этдилар. Аммо, ушбу қабилалар ўртасидаги ҳокимият учун курашлар Турк ҳоқонлигининг ва ҳатто, ўзларининг ҳалокати билан тугади. 660 йилда Ғарбий турк ҳоқонлигининг Хитойга тобе этилиши билан дулу ва нушиби қабилалари ҳақидаги маълумотлар камайиб, аста-секин уларнинг бошқа халқлар таркибига сингиб кета бошлаганини кўришимиз мумкин. X-XI асрлардан сўнг эса, бу қабилалар иттифоқлари ҳақида тарихий адабиётларда маълумотлар учрамайди. Аммо, ушбу қабилалар иттифоқлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни беқиёс эканлигини унитмаслигимиз, бу борадаги тадқиқотларни янада ривожлантиришимиз бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз. юқоридаги хулосалар асосида биз қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни келтириб ўтишни лозим де ҳисоблаймиз.

- Дулу ва Нушиби қабилалари иттифоқи ва уларни вужудга келишига оид, Турк ҳоқонлигида тутган ўрни, бошқа халқларнинг этник шаклланишга таъсири масалаларига каби тарихий жараёнлар таҳлилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратиш лозим;

- Ушбу қабилалар иттифоқлари уларнинг урф-одатлари, кийим-кечаклари, қурол-яроғлари қабилаларни аниқлаш ва уларни музейларда жойлаштириш орқали ўтмишимиз хусусидаги янги маълумотларни халқимизга, ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбия топишлари учун замин ҳозирлаш;

- Дулу ва Нушиби қабила иттифоқларининг мансаб, унвонлари, қабила номлари, уларнинг маъноси, тилининг бошқа туркий қабилалардан фарқи каби масалалар хусусида луғатлар, қўлланмалар яратиш;

- Юқорида номлари зикр этилган қабила вакиллари ва улар орасидан етишиб чиққан таниқли олимлар Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Ханжа ал-Дахфандуний (вафоти 886/87 йил), Абу Йақуб Йусуф ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Жамук ал-Марвазий (вафоти 908 йил), Абу Муҳаммад Бакр ибн Аҳмад ибн Саид ибн Жаҳм ас-Самарқандий қабилар хусусида ҳужжатли филм, ёки тадқиқотлар олиб бориш ва ушбу қабилалар номи билан боғлиқ бўлган жой номлари тарихини ўрганиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент асарлари

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Том VII. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 393 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистан” НМИУ, 2016. – 56 б.

Адабиётлар

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа’фар ан-Наршахи. Та’рих-и Бухара. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю. Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археологи-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. – Т.: SMI-ASIA, 2011. – 600 с.
2. Ashirov A. Etnologiya: o‘quv qo‘llanma /A. Ashirov; mas’ul muharrirlar: U. Abdullayev, G. Fuzailova; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika un-ti. – Toshkent: «Yangi nashr», 2014. – 544 b
3. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, - Сочинения, Т. I . М.: Наука 1963. – 759 с.
4. Бернштам А.Н. Очерки истории Гунов. – Ленинград.: Издательство Ленинградского университета, 1951. – 256 с.
5. Бичурин Н.Я. История Тибета и Кукунора с 2282 года до Р.Х. до 1227 года по Р.Х. Часть – 1. – Санкт-Петербург, 1833. – 238 с.
6. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-I. –Москва-Ленинград, 1950. – 378 с.
7. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведение о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т-II. –Москва-Ленинград, 1950. – 332 с.

8. Грумм-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. II Том. - Ленинград. 1926. – 896 с.
9. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. - 498 б.
10. Дальний Восток и соседние территории в средние века. - Новосибирск: Наука, 1980. – 152 с.
11. Кюннер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Издательство Восточной литературы, 1961. – 390.
12. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – 215 с.
13. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности: Тексты и исследования. – М- Л., 1951. – 368 с.
14. Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: (Тексты и исследования). – Новосибирск: Наука, 1989. – 432 с.
15. Малявкин А.Г. Марионетки из рода Ашина //Восточный Туркестан и Средняя Азия. - М.: Наука, 1984. - С. 135 - 155.
16. Малявкин А.Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. – 336 с.
17. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий/ таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янгилиш Егамова, Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов// Т.: "Шарк",2010. –720б+32 зарв.
18. Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Бухоро тарихи / форс – тожик тилидан таржима А. Расулевники, масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т.: Фан. 1966. – 156 б.
19. Очерки истории Китая с древности до “опиумных войн” (под ред. Шан Юэ. Пер. с китайского под ред. Л. И. Думана и А. М. Филиппова. – МЮ: Изд. Вост. лит., 1959. – 210 с.

20. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё сивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. **Монография.** – Т.:АРТ-ФЛЭХ. 2010.
21. Смирнова О. И. “Очерки из истории Согда” М. : “Наука” 1970. – 288 с.
22. Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) / Сюань-цзан ; введ., пер. и коммент. Н.В. Александровой; Ин-т востоковедения РАН. - М.: Вост. лит., 2012. – С. 353-354. (- 463. с.: ил.)
23. Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: дастон/Абулқосим Фирдавсий; форсийдан Ш. Шомухаммедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 736 б.
24. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни/Таҳрир хайъати Д.А. Алимова, Э.Х. Арифханова, У.С. Абдуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 б.
25. Қошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғатит турк)/С.М. Муталлибов таржимаси. Уч томлик. Том I. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. – 498 б.